*Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi*



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2018-yil 12-yanvar №3 (4453)

## 14-ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ




## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – БИЗНИНГ ИФТИХОРИМИЗ ВА ҒУРУРИМИЗ

**Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда халқимизнинг қадимий тарихи, буюк аждодларимиз мероси ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.**

* * *

**Ватан ҳимоячилари кунини расмиятчиликдан холи, кўтаринки ва таъсирчан руҳда, ҳақиқий халқ байрами сифатида, янгича шаклда ташкил этиш зарур. Бундай тадбирларни айниқса ҳудудларда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳарбий-маъмурий секторлар – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирокида, юксак савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.**

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқидан.

## ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИДА

*Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар – инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек: «Ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда. Ушбу тизим мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини шакллантиришни, ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар фаолиятини такомиллаштиришни, "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейлари ташкил этишни кўзда тутади».Шарқий ҳарбий округга қилган хизмат сафаримиз давомида Фарғона шаҳридаги Темурбеклар мактабида бўлиб, ўқув жараёнлари, ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик.

– Ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган, уларга фанлардан малакали ўқитувчилар ва ҳарбий мутахассисликлар бўйича тажрибали офицер ва сержантлар сабоқ бериб келишяпти, – дейди мактаб директори Ғолиб Эрназаров. – Ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини таъминлаш, уларни касбга йўналтириш, илк ҳарбий кўникмаларини шакллантириш, жисмонан ва маънан чиниқтириш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш асосий мақсадимиздир.

### Ютуқлар илғорликка руҳлантиради

Темурбеклар мактабида аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кафедралари мавжуд. Компьютер ўқув хоналари, физика, кимё ва биология фанлари лабораториялари, нишонларга ўқ отиш хонаси, фан тўгараклари ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Ўқув хоналари лаборатория жиҳозлари, мультимедияли воситалари, кўргазмали қуроллар ва зарур адабиётлар билан жиҳозланган, булар ўқувчиларнинг пухта билим олишига замин яратмоқда. Ахборот-ресурс марказидаги замонавий компьютерлар Интернет тармоғига уланган, унинг фондида ўн бир мингдан зиёд ўқув ва бадиий адабиёт мавжуд.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтказиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилгани эса эътиборга лойиқ. Мунтазам турли танловлар, интеллектуал ўйинлар ва спорт мусобақалари ҳамда ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасалари, музей ва тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилиши ёшларда Ватанга муҳаббатини кучайтирмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ОЛИМДАН ИЗ ҚОЛСИН

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига биноан, биология фанлари доктори **Ботир СУЛАЙМОНОВ** ҳам академиямизнинг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқланди. Юртимиз қишлоқ хўжалиги равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган академик олимимиз билан ушбу соҳанинг бугуни ва келгусидаги истиқболлари ҳақида суҳбатлашдик.*

Эътироф



– Давлатимиз раҳбари Муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг фермерлар, агрономлар, ирригаторлар, механизатор ва аграр тармоқ олимларига бўлган алоҳида эътибори, юксак эҳтиромини ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз, – деди Б.Сулаймонов. – Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: **"Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган инсон сифатида менинг турли соҳа вакиллари орасида дўстларим, танишларим кўп. Лекин қалбимга энг яқин инсонлар, қадрдонларимнинг энг кўпи мана шу соҳа – қишлоқ хўжалиги тармоқларида, десам, ишонинглар, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Бу билан мен, албатта, доимо чин дилдан фахрланаман, сизларни қалбимга, юрагимга энг яқин ва азиз инсонлар, деб биламан"**, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Мазкур Фармон билан собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академикларининг нуфузи илк бор Республика Фанлар академияси академиклариникига тенглаштирилди, мухбир аъзоларга тўланадиган ойлик гонорар миқдори сезиларли даражада ошди. Буларнинг ҳаммаси иқтидорли бакалаврлар, магистрларни қишлоқ хўжалиги илмига кенг жалб қилишга, соҳадаги илмий ва олий таълим муассасалари лабораториялари ва кафедраларини юқори малакали олим-педагоглар билан таъминлашга хизмат қилади.

**– Президентимиз тантанали маросимдаги нутқида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар жуда кўплигига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Соҳани ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига биноан мутахассислар олдида қандай долзарб вазифалар турибди?**

Давоми иккинчи саҳифада.

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги**

### "ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ САРА ЙИГИРМА АСАРИ"

**мавзусида бадиий асарларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича танлов – ижтимоий лойиҳасини эълон қилади.**

Мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг сара намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги дунё тафаккури, маданияти, маънавияти ва маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва замондош адиблар асарларини янада кенгроқ тарғиб этиш, ўзбек миллий адабиёти воситасида мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада юксалтириш мақсадида **"ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ САРА ЙИГИРМА АСАРИ"** мавзусида бадиий асарларни ўзбек тилидан чет тилига таржима қилиш бўйича танлов – ижтимоий лойиҳасини эълон қилади.

Танлов 2018 йилнинг март ойига қадар давом этади. Зарур ҳужжатлар ва бадиий таржима асарлардан намуналар 2018 йилнинг 25 февралигача қабул қилинади.

#### Танлов шартлари:

Танловга муқаддам чет тилига таржима қилиниб, чоп этилган асарлар тақдим этилади (5-10 варақдан кам бўлмаслиги керак).

Таржимоннинг чет тилига бадиий таржимаси нашр этилмаган бўлса, у ҳолда ўзбек тилидаги бадиий асардан 5-10 саҳифа ихтиёрий равишда чет тилига ўгириб жўнатиши керак.

Бадиий таржима асарлар асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);
муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
паспорт нусхаси.

#### Танловнинг якуний натижаси:

Танловнинг якуний натижаларига кўра, "Ўзбек адабиётининг энг сара йигирма асари" танлови ғолиблари билан Агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан белгиланган тартибда шартномалар имзоланади ва таржимонлар томонидан ўзбек тилидан чет тилига ўгирилган бадиий асарлар учун қалам ҳақи тўланиши кафолатланади.

Шунингдек, ғолиб таржимонлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қошида ташкил этиладиган "The book of the Sun" халқаро таржимонлар маркази аъзолигига қабул қилинади.

Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари ҳамда www.api.uz веб-сайтида ёритилади.

Материаллар "Ўзбек адабиётининг энг сара йигирма асари" танлов – ижтимоий лойиҳасига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2-қават.
Телефон: 244-23-72.**
Электрон манзил:_info@api.uzwww.api.uz

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 2018-2019 йиллар давомида яратиладиган, юртдошларимиз қалбида юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, одамларни ҳалол яшаш ва меҳнат қилишга даъват этадиган тарихий ва замонавий мавзулардаги бадиий етук шеърий, насрий, драматик, бадиий-публицистик асарлар учун танлов эълон қилади.**

#### Танловга тақдим этиладиган асарларда:

– юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ва аҳамияти, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги туб ўзгаришлар;

– мустақиллигимизнинг халқимиз ҳаётидаги бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, бой маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти;

– юртимизда туғилиб вояга етган буюк тарихий шахслар, шоир ва алломалар ҳамда халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти, оламшумул маънавий мероси;

– Ватанимиз мустақиллиги йўлида курашган фидойи инсонлар, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ибратли ҳаёти, айни кунда ҳарбий соҳада жонбозлик кўрсатиб хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётда эришаётган натижалари;

– юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш борасидаги ўзгаришларнинг халқимиз ҳаётидаги улкан аҳамияти;

– республикамизда диний қадриятларнинг улуғланиши, жумладан, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқот маркази ва Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академиясининг барпо этилиши билан боғлиқ жараёнлар ва бошқа масалалар чуқур ҳаётий руҳда, юқори бадиий савияда акс эттирилиши лозим.

Танловда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан қаторда барча юртдошларимиз иштирок этиши мумкин.

Танловни 2018-2019 йилларда икки босқичли тартибда ўтказиш режалаштирилган. Жумладан, 1-босқичда асарлар жорий йил 1 ноябргача, 2-босқичда 2019 йил 1 ноябргача қабул қилинади.

Таниқли ижодкорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати танловга тақдим этилган асарларни ўқиб, баҳолаб боради. Ғолиб деб топилган асарлар Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги адабий нашрларда ҳамда "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида китоб ҳолида чоп этилади. Муаллифларга эса имтиёзли қалам ҳақи тўланади.

Танловга асарлар икки нусхада (компьютерда Times New Roman шрифтида, 1,5 интервалда кўчирилган) ҳамда уларнинг электрон нусхаси тақдим этилиши лозим.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 16-а уй. Телефонлар: 239-27-88; 239-26-91, 227-08-27; Факс: 245-66-95**
Электрон манзил: www.ijod.uz; info@ijod.uz

# ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИДА

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Таълим муассасаси Темурбеклар мактаблари ўртасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Амир Темур авлодлари» ҳарбийлаштирилган спорт мусобақасида етти марта ғолиб бўлган. Бу эса таълим муассасасида жисмоний тайёргарлик ва спортга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Шу билан бирга ўқувчилар "Ёш қутқарувчилар", "Камолот шахмат тахтаси", "Сиз қонунни биласизми?", "Наврўз ва қадриятлар", "Юрт келажаги", "Юксак маънавиятли авлод" каби танловларнинг ҳам фаол иштирокчиси ва совриндорлари ҳисобланади.



## Жисмоний комилликка интилиб

– Ўқувчиларимиз орасида спортнинг бир қанча турлари бўйича мамлакат чемпионлари бор. Ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, жамоавий ва яккалик баҳсларида ғолиб ва совриндор бўлиб келишяпти, – дейди биз билан суҳбатда енгил атлетика бўйича халқаро



турнирлар иштирокчиси ва совриндори, жисмоний тарбия ўқитувчиси Галина Козлова.

Биз ўқувчиларнинг машғулотларда чаққонлик ва абжирлик билан ҳаракат қилаётганларини кўриб юртимизда спортсевар ёшларимиз кўплигига, ҳақиқий Алпомишу Темурбеклар етишиб чиқаётганига яна бир бор амин бўлдик.

– Бокс билан мунтазам шуғулланаман, – дейди ўқувчи Алпомиш Казаков. – Ўзим орзу қилган таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганимдан фахрланаман. Бу ерда ҳарбий сабоқлар билан бирга жисмоний тайёргарликка ҳам қаратилган улкан эътибор мени янада хурсанд қилди. Замонавий тренажёр зали ва спорт майдонида шуғулланиб, жисмонан камол топяпмиз. Мақсадим бу ерда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, пухта билим олиш ҳамда келажакда олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириб, ҳаётимни шарафли соҳа билан боғлашдир.

Дарвоқе, Алпомиш бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган бир қанча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритган.

## Юксак марралар сари

Ўқув хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Инглиз тили, математика, кимё, физика, тактика, муҳандислик тайёргарлиги ва нишонларга ўқ отиш ўқув хоналарида бўлганимизда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

– Ўқувчиларда чет тилларига, айниқса, инглиз тилини ўрганишга қизиқиш кучли, – дейди инглиз тили ўқитувчиси Жаҳонгир Исмоилов. – Бунинг учун ўқув хонаси зарур воситалар билан жиҳозланган. Дарсларни интерфаол услублар – инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб борамиз. Ўқувчиларимиз ҳар йили чет тиллари бўйича ўтказилаётган викториналарда ҳам фаол иштирок этиб, муваффақиятга эришиб келяптилар.

Мактабда табиий фанлар, айниқса, физика, кимё ва математика чуқур ўргатилади. Ўқитувчиларнинг таъкидлашича, ўқувчилар орасида бу фанларни пухта ўзлаштирган, фан олимпиадаларида юқори ўринларни олганлар талайгина.

Нишонларга ўқ отиш тўгарагида олинаётган сабоқлар эса келажакда ёшларга катта ёрдам бериши шубҳасиз. Устозларнинг кўп йиллик тажриба ва ўгитлари ҳамда взвод командирлари – майорлар Сирожиддин Пардаев, Шавкат Эшбеков, Шуҳрат Нурмуҳаммадов, гуруҳ командирлари – сержант Зафар Жумаев, кичик сержантлар Шерали Шомуродов, Эркин Ҳаққулов, Жасур Ҳайдаровнинг сабоқлари келажакда шарафли касбни эгаллашни мақсад қилган ёшлар учун катта ҳаёт мактабини ўтамоқда.

Мактаб кутубхонаси ва ахборот ресурс маркази ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Билимга чанқоқ ёшлар бу ерда турли адабиётларни мутолаа қилиш билан бирга, интеллектуал викториналар, мунозаралар ҳам ўтказиб боришади.

Чунки кутубхона катта ўқув ва бадиий адабиёт фондига эга. Бизни қувонтирган нарса бу ўқувчиларнинг китоб мутолаасига, илмга чанқоқлиги бўлди. Йил давомида фанлар бўйича танловлар, адабиёт ва шеърият кечалари, саналарга бағишлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб бориларкан. Бунинг учун кенг ва шинам, замонавий воситалар билан жиҳозланган катта ўқув зали мавжуд.

Ишончимиз комилки, замонавий жиҳозлар, илғор технологиялар билан таъминланган, янгича шакл ва қиёфадаги Темурбеклар мактабидан ватанпарвар, билимдон ва иқтидорли, ҳарбий соҳанинг етук мутахассислари етишиб чиқади.

**Аҳрор ОЧИЛОВ, журналист**

# ОЛИМДАН ИЗ ҚОЛСИН

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

— Зироатчилик соҳасида тадқиқот олиб бораётган олим ва мутахассислардан суғориладиган ва лалми ерлардан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос экин навларини яратиш, заъфарон (шафран), соя ва бошқа мойли экинлар майдонини кенгайтиришга доир тадқиқотларни жадаллатиш талаб этилмоқда. Айниқса, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда замонавий лаборатория ускуналарига эга бўлган картошка уруғчилик марказини ташкил этиш, экинларни парваришлашда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, боғлар ва токзорларга ишлов берадиган, сабзавот ва картошка уруғларини экадиган ва ҳосилини йиғадиган янги техника воситаларини яратиш ҳам, айниқса, долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, аҳоли томорқаларида цитрус мевалар етиштиришга мўлжалланган ихчам иссиқхоналар барпо қилиш, ғўза, ғалла ва бошқа экинлар зараркунандаларига қарши кураш усулларини такомиллаштириш, чорва моллари зотини яхшилаш, йилқичилик ва паррандачиликни ривожлантириш, уларнинг касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш билан бир қаторда гўшт, сут, тухум, асал ва балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кескин кўпайтиришга ҳисса қўшишимиз зарур.

Кўриниб турибдики, бу масалаларнинг ҳар бири биз олимлардан қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги, мевали дарахтлар ва узум кўчатчилиги, чорва моллари наслчилиги, уларни парваришлаш, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя этишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этишга доир илмий тадқиқотларни режали тарзда амалиётга татбиқ этишни талаб қилади.

**— Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, турли зараркунандаларга қарши кураш борасидаги тадқиқотларнинг самараси ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ўсимлик — бу тирик организм, ҳар бирининг ўз касаллиги, зараркунандаси бор. Масалан, ғўза тунлами (кўсак қурти), кузги тунлам, ўргимчаккана, шира, карадрина каби зараркунандалар жуда кўп. Уларга қарши изчил курашилмаса тўпланган ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлади. Зараркунандаларга қарши курашишнинг биологик усули ҳам самарали, ҳам экологик жиҳатдан хавфсиз усул. Чунки бу усулда пахта майдонларига заҳарли препаратлар сепилмайди, балки зарарли ҳашаротлар фойдали энтомогафлар ёрдамида йўқотилади. Хусусан, трихограмма зараркунанда тухумини зарарлайди, бракон эса кўсак қуртига қирон келтиради. Ҳозир республикамизда бундай энтомофагларни кўпайтирадиган 700дан ортиқ биолаборатория ишлаб турибди.

Биз айни пайтда устоз-шогирдлар билан энтомофагларнинг янги турларини аниқлаш, биологик воситаларни кўпайтиришда in vitro усулини қўллаш, зарарланган пахта майдонларига биомаҳсулотларни тарқатиш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш устида инновацион изланиш олиб бормоқдамиз. Масалан, олтинкўз энтомофагини кўпайтиришнинг ихтиро мақомида яратилган қурилмаси ишчи кучларини беш баробаргача, сарф-харажатларни олтмиш фоизгача тежаш имконини беради.

Ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишнинг долзарб илмий масалалари бўйича Аграр университетда ўтган икки йилнинг ўзида 2 нафар фан доктори, 1 нафар фалсафа доктори тайёрланди. Ҳозир 25 нафарга яқин бакалавр, магистр, докторант ва мустақил тадқиқотчилар долзарб мавзулардаги илмий тадқиқотлар билан банд.

**— Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси самарасини оширишга доир қандай масалалар долзарб ҳисобланади?**

— Аввало, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва магистрлар республика давлат илмий-техника дастурларига кирган, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буюртмалари, соҳавий идора ва ташкилотлар ҳамда фермер хўжаликлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот ишларини бажаришлари керак. Шундагина олинган натижалар, берилган тавсиялар ва ёзилган қўлланмалар стол тортмаларида қолиб кетмайди, фермерларга, тадбиркорларга ва бошқа буюртмачиларга тез етиб боради ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Фундаментал тадқиқотларнинг натижалари янги илмий-амалий лойиҳаларга асос бўлса, амалий таклиф ва тавсиялар инновация лойиҳалари ёрдамида моддийлашса, қишлоқ хўжалигидаги муайян муаммолар ўзининг назарий ва амалий ечимларини топади, деб ўйлаймиз. Шунда тадқиқотчи олимлар ишининг самараси ошади.

Таълим сифатини оширишда илмий муассасаларда ишловчи истеъдодли олимларни талабаларга дарс бериш жараёнларига кенг жалб этиш, аълочи магистрларни илмий лойиҳаларнинг ижрочилари таркибига киритиш, қишлоқ хўжалиги фанларининг назарий масалаларига доир машғулотларни ва амалиёт дарсларини тегишли йўналишлардаги илмий муассасалар лабораторияларида ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бакалавриат ва магистратура талабалари, ёш олимларни фанга, хусусан, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқотларга кенг жалб қилиш нафақат илмий-ташкилий, балки ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан биридир.

Бу борада бутун илмий жамоатчилик яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб фидоийлик билан иш олиб бориши зарур, деб ўйлайман.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**
**суҳбатлашди.**

# МАШРАБ ОТА ҲИКОЯСИ

Руҳият иқлимлари

*Бир минг тўққиз юз тўқсон тўртинчи йил эди. Республика киночилар уйида Наби Ғаниевнинг тўқсон йиллиги нишонланаётганини эшитиб бордим. Зал санъатшунослар, киноактёрлар, атоқли кинорежиссёрнинг авлод ва қариндошлари, шунингдек, биз каби ихлосмандлар билан тўлган экан.*

Албатта, орадан салкам чорак аср вақт ўтди, ўша йиғилишнинг тафсилотини, ҳатто кимлар сўзга чиққанлигини ҳозир яхши эслай олишим маҳол. Аммо шу маъракада иштирок этган кекса актёр, Ўзбекистон халқ артисти Машраб Юнусовнинг хотиралари ҳамон ёдимда. Ихчам соқоли ўзига ярашган отахон бироз энкайиб, тўлагина гавдаси салмоғини қўлидаги ҳассага ташлаган кўйи, қирқинчи йиллар бошида Наби Ғаниев билан танишиб, бирга ишлашгани, унинг кино санъати ва актёрларга қўядиган талаблари, феъл-атвори ҳақида хотираларини сўзларкан, режиссёр номини машҳур қилган "Тоҳир ва Зуҳра" фильмини суратга олиш жараёнида юз берган бир ҳангомани ҳам гоҳ кулиб, гоҳ ачиниш билан айтиб берди.

Гап шундаки, фильм 1945 йили Тошкентда суратга олинади, Тоҳир билан Зуҳранинг боғда учрашиш саҳнаси Астрономия институти ҳовлисида, бу ердаги ҳозир ҳам сақланиб қолган кўтарма кўприк ёнида тасвирга туширилади. Аммо Тоҳирни сандиққа солиб дарёга ташлаш учун "фон" йўқ эди, Бўзсув бўйи эса дарёга ўхшамасди. Шу сабабли Наби Ғаниев бу саҳнани Чирчиқ дарёси мансабида, Хўжакент яқинида тасвирга олишга қарор қилади.

Бир неча "полуторка" машинасида артистлар, кинооператорлар, саҳна ишчилари, кино ускуналари, кўрпатўшагу қозон-товоқларгача – Хумсоннинг ҳозирги кўприги яқинидаги бир очиқ майдонга етказилади. Саҳна ишчилари декорация тайёрлашга киришади. Аммо икки кундан сўнг тоғ томонга кетиб бораётган бир отлиқ нохуш хабар етказади – Чирчиқ дарёси устидаги, кечагина ўзлари ўтиб келишган омонат кўприкни сел оқизиб кетибди, Тошкент билан алоқа узилибди.

Нима ҳам қилиб бўлади? Уруш энди тугаган, шароит оғир. Таваккал дея иш давом эттирилади, аммо орадан уч-тўрт кун ўтгач, халта-хулталар бўшаб, юзга яқин одамнинг егулиги соб бўлади. Гўё бир оролда қолиб кетишгандай. Кўприкни эса яқин кунларда тиклаш имкони йўқ. Ноилож, яқин-атрофдаги қишлоқларга бориб, аҳволни айтиб кўришади. Аммо маҳаллий аҳоли Тошкентдан келган "каттакон"лардан қочиб узоқ-яқинга беркинар эди. Бунинг устига, ўша даврларда нафақат кино актёрларини, ҳатто саҳнага чиқиб иккитагина ашула айтган санъаткорни ҳам баъзи ғаламислар бузуққа чиқарар, улардан одамлар ўзини олиб қочарди.

"Тоҳир ва Зуҳра"чилар оч, силлалари қуриган...

Ана шунда ўспирин чоғида Қўқон мадрасасида бир муддат таълим олиб, Қуръонни хатм қилган Машраб Юнусов ёш жонини, келажагини хатарга қўйиб бўлса ҳам, таваккал бир иш қилади: техник ходимларга шу атрофдаги тўрт қишлоқнинг ҳар бири томонга бир радиокарнайни тўғрилаб қўйиб, овозкучайтиргичларни тўла қувват билан ишлатишни сўрайди-да, микрофон ёнига ўтириб, ёқимли ва шикаста овоз билан... Қуръон тиловат қила бошлайди. Қорининг овози тўрт улкан радиокарнай кучи билан олис-олис қишлоқлар узра баралла сасланади.

Дин тақиқланган, муллалар қамалиб кетган, қўлга тушмагани эса тоғ-тошда ё бегона юртларда ўзини танитмай тирикчилик қилиб юрган қўрқинч бир замонда кучли радиокарнайлар орқали Қуръон оятларини ўқиш нақадар хавфли иш бўлганини ўша кунларни кўрган кишилар биздан яхши билади.

Аммо... одамлар анчадан бери Қуръон эшитмаган экан!

Қулоқларига ишониб-ишонмай, бирбирига савол назари билан боқа-боқа... уйларидан чиқиб, кўчалар бошига тўпланиб, сўнг дил қаъридаги илоҳий туйғуларини жўш урдирган бу садолар келаётган томонга қараб юра бошлайдилар. Тўртала қишлоқдан тўпланган одамлар сони юздан ошганда Машраб қори фотиҳа ўқигач, микрофонни ўчириб, ўрнидан туради, барчалари билан бирма-бир саломлашиб, оч-наҳор эканликларини, ҳадемай озиқ-овқат келиб қолишини тушунтиради, унгача ёрдам қилишни сўрайди. Юклар етиб келгач, ким нима берса, қайтаришни ҳам ваъда қилади.

Дарҳақиқат, урушнинг совуқ нафаси ҳар жойда сезилиб турар, қишлоқдагиларнинг ўзлари ҳам қийналиб, очин-тўқин кун кечиришарди. Шунга қарамай, соҳир Қуръон тиловати, кўзлари билан кўриб турган аҳвол одамларнинг ҳимматини жўш урдирди: ким нон, ким жўхори, ким ёрма – ҳар ким топганини олиб келади, одамлар бир-бирининг корига ярайди.

– Икки ойча Хўжакентда бўлдик, – деган эди Машраб ота Юнусов. – Юртда мулла зоти қолмаган экан, қайси қишлоқда биров вафот этса, мени олиб кетишарди, жаноза ўқирдим, хизматимга нима беришса, йўқ демай олиб келиб, кўчма киностудияда оч-наҳор ишлаётган артистларни боқар эдим. Тоҳирни ана шунақа қилиб дарёга оқизганмиз...

Мен бу кишини илгари танимас эдим, чунки кино актёрлари одатда грим билан тасвирга олинади-да. Аммо анжуман якунида давранинг кексаси бўлган Машраб ота Юнусов устози ва раҳбари Наби Ғаниев руҳига бағишлаб киройи бир қироат билан Қуръон ўқиди. Ана шунда – Қуръон оятларини ўқиётганида мен уни таниб олдим. Қаршимизда "Улуғбек хазинаси" видеофильмида, асарнинг энг драматик ўрнида шариат аҳкомлари юзасидан Мирзо Улуғбек билан баҳслашадиган шайх Низомиддин Хомуш, тўғрироғи, Низомиддин Хомуш ролини қойиллатиб ижро қилиб, Қуръон ва ҳадислардан фасоҳат билан далиллар келтирган Машраб Юнусов турар эди.

Мен "Улуғбек хазинаси" томошаси вақтида, телефильм кинорежиссёри бирон муллани Низомиддин Хомуш ролига таклиф қилибди, деб ўйлаган эдим. Чунки ҳеч бир актёр, наинки актёр, ҳатто унча-мунча мулла ҳам кўпдан-кўп диний иқтибосларни баҳс чоғидаги уламо каби, сира тутилмай келтириб, "XV аср уламоси" бўла олмас эди-да! Ҳолбуки, бу одам – актёр...

Бу – тўқсон тўртинчи йил, истиқлолнинг учинчи баҳорида бўлган гап. Бу пайтга келиб Қуръон ўқиш, ё соме бўлишдан биров ҳайиқмай қолган эди.

Гарчи 1943 йилнинг ёзига келиб шўро ҳукумати "олижаноблик билан" диний эътиқод эркинлигига йўл очиб берган бўлса-да, зулмнинг ваҳшати дарров бартараф бўлиб кетмас экан – то XX аср бошларигача одамлар Қуръон ўқиш тугул, ҳатто биров "Омин!" деб дуо қилса, наридан-бери қўлни юзга сийпаб қўйишга одатланган эдилар. Масжидда ҳам муаззин шивирлагандай бир овоз билан азон чақирар, товуши бор билан йўқнинг орасида бўлар эди.

Яна бир хотира. Тил ва адабиёт институтидан бир неча ёш илмий ходим Абдулла ака Юнусов бошчилигида саксонинчи йиллар аввалида Самарқандга боришади. Ишлари битгач, эски бир мадраса биносини томоша қилишади. Бу ердаги қаторлашган ҳужралар, айвону равоқлар, катта-кичик гумбазлар руҳ берган бўлсамикин, отаси бир пайтлар катта мулла бўлган арабшунос Абдулла ака биргина оятни чиройли тажвид билан секингина қироат қилади.

Аммо буни қарангки, мадрасанинг нимқоронғу ҳужралари, улар орасидаги йўлаклар ҳам кўпдан бери қироат овозига маҳтал бўлиб кетган эканми, бу илоҳий садолар ғиштин деворлар узра сасланиб, мадраса ҳовлисигача чиқади. Аксига олиб, шу ерда чет элдан келган туристлар ҳам юришган экан, ҳаммалари чопиб келишади: "Яна ўқинг, илтимос!". Абдулла ака бечоранинг қўрққанини кўрсангиз: "Ким ўқиди ўзи, биз ҳам эшитдик, орамизда мулла йўқ", дермиш бечора.

Истиқлол ҳазрати олийларининг етиб келишига ҳали роса ўн йил бор эди-да у вақтда. Бу кунга Абдулла акамиз пешвоз чиқа олмади, беш-олти йил ўтмай бандаликни бажо келтирди. Мен, пешвоз чиқа олмади деяпман, эҳтимол, ўшанга ҳам журъати етмагандир. Ахир, илмли оталари қирғинга учраганларнинг кўпи учун бўйнини эгиб, зотини эсламай, пастқамроқ жойларда кун кечириш – умр ўтказишнинг бирдан-бир шарти ва гарови бўлиб қолган эди-ку. Минглаб зиёлиларнинг умри сароб бўлиб, қисматлари ўзи ўйлаганига тескари равишда кечгани ёлғонми?

Мустақиллик нима ўзи? Халқ ўз она тилида давлат юритса, ўз диний эътиқодига ва миллий удумларига ҳеч кимдан ҳадиксирамасдан эътимод қилса, мен учун истиқлолнинг ибтидоси мана шу.

Ўтган йили... Биринчи Президентимизнинг таъзияси кунлари бутун дунё Ўзбекистон қанчалик эркин давлат эканига яққол амин бўлди. Исломий дафн маросими, ўша кунлар барча теле ва радиоканалларда олиб узатилган хатми Қуръонлар бизнинг қанчалик собит ва солим мусулмон эканимизни барчага аён қилди. Аза айёмида кўнгил сўраб, ҳурмат билдириб хориждан келган давлат арбоблари ҳам, ислом оламининг энг таниқли намояндалари ҳам Имом Бухорийлар, Имом Термизийларнинг бу қадимий ватани исломият бобида ҳеч кимдан орқада эмаслигига, бу мамлакатда аждодлар анъаналарига қатъият билан амал қилинишига тан бердилар.

Бизнинг жамиятда ислом кўкракка уриб даъво қилинмайди, бизда мусулмонлик бегуноҳ инсонларни қириш орқали "исбот" қилинмайди ва динимизга нисбатан нафрат уйғотилмайди. Билъакс, "Дил ба ёру даст ба кор" шиори устуворлигининг шарофати билан, яъни дилимиз доим Оллоҳда бўлиб, қўлимиз ҳамиша ҳалол меҳнатга банд бўлгани боис, жамиятимиз тобора юксалиб бораверади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди".

Албатта, биз бунга осонликча эришмадик. Ёдингизда бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларида деярли ҳар бир корхона ва муассасада, шифохона ва санаторияда, вокзал ва аэропортларда намозхоналар очиб қўйилган эди. Аммо динимизнинг энг ашаддий душманлари – ғайридин каслар эмас, айнан динда ғулуга кетувчи ёки динни ниқоб қилиб олиб, ҳокимият ва бойлик илинжида юрган кимсалар эканки, уларнинг қутқуси билан талай хунрезликлар (мен буларни санаб ўтирмайман) амалга оширилди ҳам. Махфий ҳужралар очиб, уларда хориждаги ғаддор "устоз"ларининг кўрсатмалари билан ота-боболаримиз амал қилган шариат ва тариқат аҳкомларига зид қарашларни тарғиб этдиларки, охир-оқибат, балодан ҳазар дегандай, эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўлинди.

Аммо бу вақтинча эди. Дин йўли – таъқиқ эмас, тарғибдир. Қайси даъватчининг этагидан тутишни билмай иккиланаётган одамларни тўғри йўлга солиш учун диний маърифатни кенг тарғиб этиш, шу орқали фитна қўзғовчиларнинг қабиҳ ниятларини пучга чиқариш лозим бўларди, бу кунларга ҳам етиб келдик, алҳамдулиллоҳ.

Дин ишлари тўғри йўлга қўйилган давлатда жиноят ва фитна-фасодга, хамр, зино ва ғоратгирликларга ўрин қолмайди, жамият қалбан тозаради.

Шу кунларда ҳофизи Қуръонлар мусобақаси бошланди. Барча вилояту шаҳарларимизлардаги ёш қорилар илоҳий каломлар жозибаси ва сеҳрини қалбларимизга сингдириш учун жидду жаҳд қилишаётир. Мен юқорида ҳикоя қилган ўша 1994 йилда туғилган болалар ҳозир 24 ёшга кирибди, қалблари имон нури билан ғарқоб бўлибди, овозлари ҳам болиғ ва солим ҳолга етиб, ҳофизи Қуръон бўлибдилар. Бу ёшларимизга шу кунларга етиб келолмаган, аммо энг таҳликали, қўрқинч замонларда ҳам имонини ўткинчи замоннинг муваққат долғалари қаршисида таслим этмаган Машраб ота Юнусов каби Қуръонхон оталаримизнинг дуолари баракотидан файзу футуҳ етишини азтаҳидил тилар эдик.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

Мирпўлат МИРЗО

# АЖДОДЛАРДАН МЎЪТАБАР МЕРОС



## ЎЗБЕК АСКАРИ

Осмонлар кўксида ҳилпирар байроқ,
Тўкилар заминга офтобнинг зари.
Ватан сарҳадида турибди уйғоқ
Ҳуррият фарзанди – ўзбек аскари.

Унинг юрагида қаҳр йўқ қат-қат,
Хусуматдан йироқ, юксак ғурури.
Эзгу орзуларга ошнодир фақат
Шу юрт толеига пайваст шуури.

Оқ булут остидан боққан юлдуздек
Қирда қор остида кулса бойчечак,
Томирни жўштирар ҳайрат билмай чек –
Туғилар дунёга янги бир эртак.

Лекин қабиҳният каслар бор – бадбин,
Элларнинг эркига урар зимдан дўқ.
Ҳамон қайлардадир инсон боласин
Кўксини мўлжаллаб учар разил ўқ.

Ёвқур аскар учун ҳар не хавф-хатар
Кор эмас, ҳар қандай ёвни йиқар у.
Ахир, қасамидан қайтмас мард аскар,
Оловнинг қаъридан омон чиқар у.

Чунки вужудида она меҳри жо,
Юрак туғёнида ёрга аҳди бор.
Отанинг ўгити ёддадир, аммо
Баридан Ватаннинг шаъни устувор.

Буюк аждодлардан мўътабар мерос –
Шу азиз юрт учун тиккандир жонни.
Дунё дунё бўлиб кўрмагани рост
Бундай алпкелбат, жўмард ўғлонни!

Очун тўлғанади офат ваҳмида –
Бас, етар, қирғинлар, чекининг нари.
Бу кун шу безовта замин саҳнида
Мардона турибди ўзбек аскари!

## ЧЕГАРАДА

Ўрмон бағридаги сарҳадда аскар
Кечани ўтказди уйғоқ ва сергак.
Қорли чўққиларда оқариб саҳар,
Бужур арча тақди нуқрадан безак.

Соғинтирган кўклам йўл босиб узоқ,
Мужда келтирганди бу узлатга ҳам.
Аскар нигоҳини жалб этди шу чоқ
Маъсума бир чечак – қимтиниб боққан.

Тик қаддини эгиб узди авайлаб
Ва кафтига олиб уни силади.
Ажиб туйғулардан томири яйраб,
Дунёга омонлик ва қут тилади.

Қоялар кўкларга кифтини тираб,
Унинг кўзларидан уйқуни қувди.
Пастда кумуш жилға оқар жилдираб –
Эниб, сувларига юзини ювди.

Ҳур офтоб шуълалар таратиб қийғос,
Борлиққа бир ажиб тароват инди.
Лекин алланечук кўчкидан бехос
Тоғнинг сукунати жаранглаб синди.

Аскар нигоҳ отди теграга шу он,
Ғаним шарпасига шайланди чапдаст.
Кўрса – бу чоғ ундан чўчирди арслон,
Шаҳдига лочин ҳам қиларди ҳавас.

Ҳар лаҳза ҳушёрлик унинг одати,
Бу гал ҳам вужудин шиддат қучганди.
Бироқ ғаним эмас, ҳуркак оҳунинг
Туёғидан бехос бир тош учганди...

## БОҒБОН

Тоғлар виқорида бир ажиб сукут,
Қор эриган қирлар – баҳор ошёни.
Бунчалар оппоқдир кўкдаги булут,
Бунчалар тиниқдир адир осмони!

Яна куртак ёзар юракда соғинч,
Боқар олислардан сўлим қишлоқлар.
Қўмсади ниҳоллар ўстирган боғин,
Қўлида автомат, аммо бу чоғлар.

Бунда уфқларнинг интиҳоси йўқ,
Қанотларин керар ҳали лочин қуш.
Машқларни дўндириб бажаргач, кўм-кўк
Адирда ёнбошлаб хаёл сурмоқ хуш.

Воажаб, заминга кимдир қадар гул,
Кимлардир гулшанни қийратар, қирар.
Бир ниҳол ўстирмоқ нақадар мушкул,
Унинг тушларига сўлим боғ кирар.

Кимгадир бомбадан учган оқ тутун
Чиройлидир бирам, бирам мароқли.
Унинг учун эса гул очиб дуркун,
Ҳовлида солланган ўрик ардоқли.

Қайдадир қўрғошин қадаб юракка,
Ўқларнинг ёмғири учмоқда зув-зув.
У эса ўйлайди – айни кузакда
Тар мевалар боғда тўкилар дув-дув.

Қайси бир ўлкада қабрлар қатор,
Мунғайиб, қалбларга мунг солар қат-қат.
Тупроқлар уюлса, бу юртда анор –
Новдаси устига уюлар фақат.

Энди фикри қатъий – азмидан дил чоғ,
Гуллар ифорига чўмсин бу Ватан!
Хизматдан қайтгач, у ер сўрайди – боғ
Яратмоқлик учун ҳоким бувадан!

Ғайрат МАДРАҲИМОВ

# ЮРТНИ ҚЎРИҚЛАШ – ШАРАФ



## АСКАР БЎЛДИМ

Ботирни босмагай ғам,
Бошини қилмагай хам,
Ташладим олға қадам,
Аскар бўлдим, онажон.

Бепоён води-ю қир,
Тинч, осуда – бўлсак бир,
Юртни қўриқлаш фахр,
Аскар бўлдим, онажон.

Водий томон бурсам юз,
Ўртайди оташин ҳис,
Тушларимда қўшни қиз,
Аскар бўлдим, онажон.

Соғинч – кўнгил титроғи,
Тошар меҳрим булоғи,
Қайтаман баҳор чоғи,
Аскар бўлдим, онажон.

## ОДДИЙ ТИЛАК

Ширин ўйлар суриш бўлсин,
Қўл ушлашиб юриш бўлсин.
Бўлса ҳамки дўстим фақат –
Киноларда уруш бўлсин.

Елкамизда Ҳаққуш бўлсин,
Кўнглимиз тўқ, дил хуш бўлсин.
Бўлса ҳамки дўстим фақат –
Уруш бизга бир туш бўлсин.

## СОҒИНДИМ

Ол, десанг гар дардингни олай,
Икки дилга бир кўприк солай,
Хўп дегин ёр, ёнингда қолай,
Соғиндингми, соғинмадингми?

Тут, десанг гар ойни тутаман,
Камалакни, ёйни тутаман,
Келишингни бугун кутаман,
Соғиндингми, соғинмадингми?

Ҳар булбулнинг бир қўнари бор,
Муҳаббатнинг минг ҳунари бор,
Қадамимдан гул унари бор,
Соғиндингми, соғинмадингми?

## ЎЙЛАН, ДЎСТИМ

*(Ҳазил)*

Кўнглинг озиб, чумчуқ бошинг айланмасдан,
Бўйинбоғдай бўйнингта ғам боғланмасдан,
Тўрт кўчада файласуфдай ўйланмасдан,
Ўйлан, дўстим...

Осиб қўйгин ёр бўйнига занжирларни,
Териб бергин боғингда бор анжирларни,
Кўзламасдан ўзга юрту манзилларни,
Ўйлан, дўстим...

Қанча сулув қолди деган ғам хавотир,
Қалб қўрингни чулғамасин эй баҳодир,
Ҳақиқатни қайта тиклай десанг ҳозир –
Ўйлан, дўстим...

Онасини ғийбати бор қизни олма,
Отасини давлати бор қизни олма,
Яноқлари бўлсин мисли қизил олма,
Ўйлан, дўстим...

Боғда кўз-кўз этиб ўзин дер, ол мани,
Сочи товон ўпар қизга бер олмани,
Ҳақ яратган жуфти билан ҳар бандани,
Ўйлан, дўстим...

*1988 йили Фарғона вилояти Ёзёвон туманида туғилган. 2007-2011 йилларда Қуролли Кучлар Академиясини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ҳозирда ҳарбий қисм капитани. "Сен ва Мен", "Ошиқ кўнглим" сингари шеърий китоблари нашрдан чиққан.*

Муҳаммад ШОДИЙ

# КУНДАН ЁРУҒ БИР ТУН

Ҳикоя



Яқинда қўшнимиз Розия хола оламдан ўтди. Шом қоронғусига қарамай тор кўчамиздан келаётган одамлар кети узилмасди. Марҳуманинг дарвозаси олдида, тавозеъда турган қўшнилар қаторидаман.

...Хола яхши аёл эди. Номи эҳтиром ила тилга олинаяпти.

Жаннати аёл энди орамизда йўқ....

Дилим вайрон, ақлим ҳайрон: "Эҳ хола, ўлимидан кейингина эсга тушиб, маълум муддатгина, қадр топаркан-да одамзот!.."

Турмуш ўртоғи бевақт вафот этди. Уч ўғил, бир қизни еру кўкка ишонмай ўстирди. Ўқитди, одам қилди. Ҳозир ҳар бирининг тўрт томонда қасрдек уй-жойи бор. Қуда-андалар билан бир жойга тўпланишса, нақ бир маҳалла бўлади. Лекин жигарбандлар кампир ҳолидан хабар олгани кам келишарди. Оддийгина ҳовлида, хароба уйда, кўзи нигорон бўлиб, умр сафари поёнига етди.

Туманда биттаман, деб юрган ўғиллар маъракани ўша оддийгина ҳовли, хароба уйда ўтказишяпти, деб ўйламанг. Кампирнинг ҳовли-жойи ҳозир бутунлай ўзгарган. Кампир реанимацияга тушди-ю, бу ерда таъмирлаш бошланиб кетди. Усталаргаям балли. Бир ҳафтада хароба ҳовли бутунлай бошқача бўлди. Туну кун ишлашди-да, азаматлар.

* * *

... Хола бир куни намозшом пайтида маъюс ҳолда уйимизга келди:

– Болажоним, уйда чироқ йўқ. Ўғиллар уста жўнатаман, деб ваъда беришди. Ўзим ҳам Юсуф монтёрникига илтимос билан бордим. Аммо...

– Қоронғида ўтирибман, денг?

– Уч кундан бери.

– Юринг-чи, – дея у билан йўлга тушдим. Нима дейишни ҳам, нима қилишни ҳам билмайман.

Розия хола дарвоза ёнгинасида жойлашган лой деворли уйнинг эшигини очди. Хира ёнаётган шам атрофга заиф шуъла сочар, ҳужра негадир ғарибхонани эсга солар, уйнинг аҳволидан хола хижолат чекаётгани билиниб турарди:

– Бу охирги шам. Ёниб адо бўлса қоронғида нима қиламан, деб шошганча ўрин солиб қўйгандим, – маҳзун жилмайди хола. – Қани, бу ёққа кир, болам.

– Холажон, керакмас, – остонада туриб ним қоронғу хонага разм солдим: деворнинг сувоғи кўчиб тушган. Раҳматли эридан қолган шу эски, зах, ҳавоси оғир уйда умрини ўтказарди хола. Сўрадим:

– Бир ўзимман, денг?

– Ҳа. Неварам Лола кеп турарди. Қоронғи уйда қўрқаман, бувижон, деб у ҳам келмай қўйди. Қизим зўрлаб опкетмоқчи бўлувди, кўнмадим. Шу ерда тинчгина ўтираман-да, болажоним...

Ичимни нимадир тирнади. "Шунча жигарлари бўла туриб, ёлғиз. Зим-зиё ҳовлида бир ўзи!"

– Электрингизни созлаймиз, холажон, лекин эртага, – дедим атрофга аланглаб. Устунга қоқилган михда электр лампочкаси осиғлиқ эди.

– Эртага?

– Бу кеча келинингиз билан ётасиз. Кетдик.

Ҳол-жонига қўймай холани уйга олиб келдим. Эртаси куни саҳар Юсуф монтёрникига бордим. Йўқ демади. Бир зумлик иш экан – чироқ ёнди. Холанинг кўзлари ҳам чарақлаб кетди, назаримда.

* * *

...Чойнак кўтариб меҳмонхона томон йўл оламан. Уй тўла одам. Остонада турган Оқил ака:

– Дастурхонга марҳамат, биродарлар, – ширинсўзлик қилади даврага қараб. – Опturинглар. Кампирнинг ёшига етказсин ҳаммамизни. Шу ёшда кетиш – тўй. Шунақамасми?

Тўнғич фарзанднинг юзида беғамликни кўриб, титраб кетаман. "Ҳа, ўлим ҳақ. Розия хола ёш кетмади. Лекин ҳали яшаши, фарзандлари, неваралари роҳатини кўрса бўлар эдику! Қандай тилингиз боради шундай дейишга, Оқил ака? Онаизорингизнинг шу ёшда кетиши сизнинг тасаввурингизда... тўйми?"

Алам-изтиробларимни жиловлаш учун ташқарига чиқаман. "Умрингиз узоқ бўлсин, Оқил ака!"

Нигоҳим Фозил акага тушади: бир йигитчанинг кўмагида қозиққа ҳисори қўйни бойлаяпти. Бировнинг: "Жа семиз эканми?" дегани эшитилади-ю, овоз келган томонга ўгирилдим – туядек қўйга ҳавас билан қараётган одамларга.

– Фалон пул экан-да ўзиям, – дейди иккинчиси оғзи қулоғида.

Фалон пул, фалон пул... Ҳа-да, пулни аяб ўтиришнинг мавридимас. Обрўни ўйлаш керак, обрўни!

Икки йигит қоп орқалаб, омборхонага киряпти. Чўнғара гуручи.

– Эртага неча кило дамлаймиз, ака?

– Кўрамиз. Маслаҳатлашамиз. Лекин етиши, етиб ортиши керак-да, укажоним!

Тағин хаёл исканжасидаман. Кўз ўнгимда Розия хола. Кўксимдан хўрсиниқ отилиб чиқади. "Бир яшаб ўтдингиз-да, холажон. Бир ҳовуч, бир ҳовучгина шундай гуручдан ош қилиб ейиш... орзусида!"

Ўғиллар ҳамон маслаҳатлашишмоқда. Яна нима, нималар қилиш керак? Одамларнинг ҳавас билан "маъракa ўтказиш мундоқ бўпти" дейиши учун тағин нима ишлар қилмоқ зарур?

Хизматчилар елиб-югуради. Ичкари кирмай қайтмоқчи бўлаётганларга: – Йўқ, йўқ, ичкарига. Бир пиёла чой...

Новвойлар ҳам тиним билишмайди. Саватларда ҳозиргина келтирилган иссиқ нонларнинг ҳиди ... ниманидир эсимга солади.

...Розия хола, қўлида рўмолга ўралган иккита иссиққина нонни кўтариб, уйимизга кириб келганди ўшанда.

– Нон кўтариб келдингизми, хола? – ажабланиб сўради пешвоз чиққан рафиқам.

– Нонингизни кўп еганман, Мавсумажон. Энди... янги тандирнинг нони-да.

– Янги тандир, дейсизми? Вой, муборак бўлсин!

– Қуллуқ!

Розия хола рафиқам билан она-боладек бўлиб қолганди. Мени ҳам меҳр билан "Муҳсин ўғлим" дерди. Учовимиз чойхўрлик қилаяпмиз.

– Ширмой нонингиз мазали бўпти, холажон, – дедим.

– Ҳа, нонингиз ширин чиқибди, – деди Мавсума ҳам.

Хола нонни қўлига олиб:

– Қаранг, тандирнинг кесакчалари ёпишган, – деди хижолатомуз ва афсусланган ҳолда қўшиб қўйди: – Тандирнинг лойи яхши пишмаган кўринади. Ўзим сотиб олган тандир бошқача эди.

– Ўзим сотиб олган тандир? – қизиқсинди аёлим.

– Ҳа, қизим. Бундан бир ойча олдин ўзим тандир сотиб олган эдим, – кўнглини очди хола. – Тандирфуруш, Худо хайрини берсин, ўзи ҳовлимга кўтариб кириб, айвондаги бехавотир жойга – офтобрўяга жойлади. Ўрнатиш керак, лекин ўғилларим вақт тополмади. Бир куни эрта-индин деб юрган кенжамнинг уйидан бир аҳволда қайтаётувдим, йўлда уста Шокир дуч кеп қолди. Ҳол-аҳвол сўраганди, тандирдан гап очдим. Пешиндан кейин ўзим қуриб бераман, деб ваъда берди. Шогирди билан келиб, қуриб кетишди. Хурсандлигимдан устани дуо қилиб олов ёқа бошладим. Бемаҳалда ҳовлиққанча Қобил келиб қолса бўладими? Тандирни Шокир ўрнатиб берганини эшитиб, жаҳли чиқди. Иккови қачондир гап талашиб, юзкўрмас бўлиб кетишган экан. "Келиб-келиб, ўша ярамасга бош эгдингизми, ая?", деб бир четда ётган кетмонни қўлига олди. Ниятини пайқаб, йўлини тўсдим – бўлмади, бефойда. Тандирни кетмон билан бузиб ташлади. Тандир ичидаги чўғ сочилиб кетди. Кимдир бошимга мушт туширaётгандай кўзларимдан олов сачради. Жойимда ўтириб қолдим... Ҳовуридан тушган Қобил, раҳми келди чоғи: "Хафа бўлманг, бошқасини ўрнатиб бераман, – деди. – Эртагаёқ!" Жўнатган одамлари кеча кечқурун тандир кўтариб келишди. Мана, янги тандирда нон ҳам ёпдим. Аммо...

Хола янги тандирлик бўлганди ҳамки, қандайдир хасталикка чалиндими, роҳаткурсига оҳиста чўкаркан:

– Энди хамир қоришга ҳолим йўқ, – деди бир куни хомуш.

Қарасак, хола уч-тўрт кило ун олиб келибди. Мавсумага:

– Илтимос, гапирманг, – деди илтижо билан. – Ҳар нон ёпганингизда, иккита-иккита...

– Хўп, холажон, хўп.

– Умрингиздан барака топинг!

Холанинг сўнгги марта уйимизга келгани кўз ўнгимда. Кўчага чиқмоқчи бўлиб тургандим, ранги ўчган ҳолда остонамизда пайдо бўлди. Қўлида тугунча.

– Тинчликми, холажон?

Бир зум ер чизиб турди-да:

– Шу ерда қолдирсам дегандим манави омонатни, – деди қўлидагига ишора қилиб. – Мавсума уйдами?

– Йўқ-ку, сиз бемалол кираверинг. Ўз уйингиз.

Хола ичкарига кирди, мен чиқиб кетдим. Бошимда минг бир хаёл. "Омонатимни қолдирсам, дедими? Бир гап борга ўхшайди. Ҳа, нима бўлди экан?".

Қайтганимда:

– Нонни ким опкелди? – сўради хотиним.

– Нонни? – таажжубландим. – Қанақа нонни?

– Боя Розия холага иккита нон бериб юборгандим. Ўша нон...

Нимадир хаёлимда ялт этди, холанинг келиши, қўлидаги тугунчани эсладим. "Ўшанда қайтариб опкелган экан-да, Мавсума берган иккита нонни. Нега?.."

Кейинроқ ҳаммаси ойдинлашди. Зарофат, Розия холанинг қизи, қўшничилигимизни нотўғри тушунибди. "Қўшниникига ҳадеб қорин тўйғазгани борарканcиз, шу ростми? – сўроққа тутибди онасини. – Эшитган қулоққа ёмон! Ўғилларингизнинг обрўйини бир пул қилмоқчимисиз?!"

Шу пайтда қўшни бола хотиним бериб юборган нарсани олиб борибди. Зарофат нонни олиб:

– Бу нима? – дебди онасига жаҳл билан тикилиб. – Бари тўғри экан-да, ая?

– Мавсума ҳар замон ўзим олиб бориб берган унимдан нон қилиб беради, – тушунтирмоқчи бўлибди хола.

Ўзини йўқотиб қўйган Зарофат зўрлаб нонни тутқазиб, онани судраганча дарвозагача олиб чиқибди:

– Боринг, ҳозироқ қайтариб беринг нонини! Шу ерда қараб тураман. Тез бўлинг!

"Омонат"ини қолдирган Розия хола уйимизга бошқа келмади... Ўша кеча қон босими бирдан кўтарилиб касалхонага тушди. Аёлим билан хабар олгани бордик. Аммо ёнига киришга рухсат беришмади. Аҳволи оғир эди. Бир ҳафтадан сўнг омонатини топширди.

Аза куни Зарофат ҳовлини бошига кўтариб, дод-фарёд солди.

Марҳуманинг яқинлари тиним билишмади. Ана, Зарофат опанинг ҳам қўли қўлига тегмайди.

– Сомса, қатлама учун яна бир халта ун керак, – дейди катта акасига.

...Хола жонланди кўз ўнгимда. Қўлида иккита нон билан қизининг қўлига тушиб довдираб қолган шўрпешона. У нима қиларини билмай ҳайрон. Ўз жигари қаршисида – ҳаросон! Қандай қайтариб бераман бу икки нонни деб, ўлиб тириляпти, бечора!

Ана, қўлларини белига тираб, қўшни ҳовлиси томон талпинаётган онасини кузатяпти Зарофат опа. "Бўлинг, дедим. Чопинг!"

* * *

Кимдир сомса кўтариб келади-ю, Оқил аканинг кўзи менга тушиб:

– Сиз ҳам меҳмонхонага бир киринг, – деди.

Онамдай меҳрибон Розия холани ўйлаб юрак-бағрим қон бўлаётган пайтда унинг эркатой кенжаси қорнимнинг "ташвиши"ни қилаяпти. Худойим!

– Эшитмадингизми, ука? Сиз ҳам бир нима еволинг!

– Хўп, – дея узоқлашаман ундан.

Таниш-билишлар қуруқ келмайди. Бу одамгарчилик, меҳр-оқибат нишонаси, албатта. Меҳмондорчилик авжида. Шоҳона дастурхон, манзирату мулозамат авжида, "хуш келдингиз"-у, "хуш кўрдик"лар...

Қанийди, ҳаёт бўлсангиз, холажон! Бир лаҳзагина бўлса-да, кўрсангиз бу томошани. Тўйга айланаман деб турган аза томошасини!

– Эртанги маъракага мингта нон етармикан?

– Э, мингта нон нима бўлади?

– Дарвоқе, стол-стуллар...

– Гузардаги тўйхонадан опкеламиз, ака. Хавотирланманг, ҳаммаси зўр бўлади!

Эртага бўлиб ўтадиган тадбирни ўзимча тасаввур қилиб, ҳаяжонланиб кетаман. Ҳовлини, уйларни, пешайвонларни тўлдириб ўтишибди ошхўрлар. Столлар устида турли ширинликлар билан тўлдирилган биллур вазалар, хилма-хил таомлар. Бутун бошли туман марказидаги "Обишир" ресторанини кўчириб келтиргандай.

Оқил ака меҳмонларга қарата: "Олинглар, азизларим, кампирники – тўй!" деган гапини қайтарармикин?

Аъзойи баданим музлаб кетади. Тўй?!

Яхшиямки, тўнғичингизнинг бу гапини эшитолмайсиз, холажон!

...Қишлоқ узра аллақачон тун чўккан. Лекин тор кўчамизда чироқлар нур сочмоқда. Эртага Розия холанинг уйида... "тўй!"

*1959 йилда Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги Янгиариқ қишлоғида туғилган. Хўжанд Давлат университетини тамомлаган. "Юракда қолган муҳаббат", "Иккинчи баҳор", "Сўхдарё садоси", "Лолазор", "Саждагоҳ" каби назмий ва насрий тўпламлари чоп этилган. "Овози тожик" газетасида ишлайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

# "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"ДАН

Энг яқин навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди-кетини ўйлаб иш тутадиган кишилардир. Уларнинг ҳар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда, ўринбосари унинг ўрнига ўтиради ва уни «амирликка номзод» деб атайдилар. Менинг бу уч юз ўн уч амиримнинг бариси ақл-ҳуш эгалари, базму жанг шерлари, маҳоратли саркардалар, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилардандурлар.

Тажрибамдан синаб билдимки, жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади.

* * *

Амр қилдимки, баҳодирлардан кимки қилич чопишда ўзини кўрсатса, биринчи марта бўлса – ўнбоши, иккинчи марта ботирлик қилса – юзбоши, учинчи мартасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар. Ўнбоши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса, биринчи галда уни ўнбоши қилсинлар. Қилич чопишда ўзини ҳимоя қила туриб кўзга ташланган аскарлар бундан истиснодир, чунки ҳўкиз ҳам сузишганда шохини ниқтайди. Шундай экан, сипоҳийнинг аслу насабига ҳам қараш лозим.

* * *

Қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгириб қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсинлар. Агар мажбуран чекинган бўлса, узрини қабул қилсинлар. Агар уни ваҳима босган бўлса, изза қилсинлар. Қайси сипоҳий, душман қаршисида қилич чопиб, яраланса, уни тақдирлаб, инъом берсинлар. Бордию яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яралангaнини эътиборга олсинлар. Чунки у ғанимга ҳужум қилмаган тақдирда ҳам, ёв ҳамласи вақтида жароҳатлангандир, яраси унинг не ҳолга тушганининг гувоҳидир.

* * *

Ҳақиқий навкар билсинким, у агар (қўл остида) ўз навкари бўлган тақдирда ундан нимани талаб қилса, унинг беги ҳам ундан айнан шу нарсани кутади. Шундай бўлгач, ўзини бек хизматидан озод этилган деб ҳисобламасин. Яна шуни ҳам билиши керакки, агар беги унга аввалига иноят-марҳаматлар кўрсатсаю, охири иноятсизлигу илтифотсизлик қилса, у ҳолда айб ва нуқсонни бегидан эмас, ўзидан ахтарсин. Тўғри навкар ўз бегига ихлос қўйиб, холис хизмат қилиши керак. Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кўнглида гина-кудурат сақласа, ихлоссизлик ва адовати туфайли бахтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос қўйган навкарнинг бойлигию давлати ва ноз-неъматлари кундан-кун ортиб боради.

* * *

Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида (меҳнатдан) юз ўгирар экан, ундай навкардан юз ўгирмоқ лозим. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, Пўлод ва Темур Ўғлон бошимга иш тушганда ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби, бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай одамларни парвардигори олам (ҳукмига) топшириш зарур.

* * *

Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, ғанимни синдирар экан, ғаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмасинлар, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлансинлар.

* * *

Амр қилдимки, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва оддий сипоҳийларга ушбу тартибда маош берилсин.

Оддий сипоҳийга, ўз вазифасини ўринлатиб бажариши шарти билан, маоши минган отининг баҳоси бўлсин. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинсин. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Юзбошилар маоши ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлсин.

Яна ҳукм қилдимки, сипоҳийлардан қайси бири уруш ишларида хатоликка йўл қўйса, маошидан ўндан бирга камайтирсинлар.

*1810 — 1822 йиллари Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилган Амир Умархон (1787 — 1822) ўз даврида мамлакат ҳудудини кенгайтириш, янги шаҳарлар, қўрғонлар барпо этишга ҳаракат қилди. Қўқон, Тошкент, Чимкент, Сайрам, Туркистонда масжид, мадрасалар қурдирди. 1812 йили Россия билан дипломатик алоқалар ўрнатди. 1815 йили эса Тошкент, Бухоро, Хива томонидан Оренбургга бориладиган карвон йўли туташган жойда Оқмачит қалъасини қурдирди, кейинги йили Андижон яқинида Шаҳрихон шаҳрига асос солинди...*

# АМИРИЙ ДЕВОНИ НАШРИ

Амир Умархоннинг илм-фан, маданиятга эътибори жуда баланд бўлган. У 1810 йили буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини китобат қилишга буйруқ берган. "Хамса"нинг мазкур ноёб нусхаси бугунги кунда Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи хазинасида сақланмоқда. Умархон Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил каби улуғ шоирлар ижодидан таъсирланиб, ўзи ҳам "Амирий" тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида гўзал ғазаллар, мухаммаслар битган. 1818 йили девон тузган. Амир Умархоннинг илм-фан ва адабиёт аҳлига юксак эътибори бошқа юрт ва шаҳарлардан кўплаб шоир, олимларнинг Қўқон шаҳрига кўчиб келишига сабаб бўлди. Натижада Қўқонда кучли адабий муҳит шаклланди. 1821 йили Амир Умархоннинг топшириғи билан тузилган "Мажмуаи шоирон" тазкирасида Қўқон адабий муҳитида ижод қилган етмиш нафардан зиёд шоир ҳақида маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган. Умархон шоир уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлар эди. Бинобарин, академик Азиз Қаюмовнинг Амирийни "Қўқон адабий муҳитининг асосчиси" деб таърифлагани бежиз эмас. Умархон 1820 йили Навоийнинг тўртта девони("Хазойин ул-маоний"), Лутфий, Фузулий ҳамда ўз девонини жамлаб "Муҳаббатнома" номли бир муҳташам, бағоят зийнатланган китоб тайёрлатиб, уни турк султони Маҳмуд II(1808 — 1839)га совға қилиб жўнатган.

Амир Умархон – Амирийга узоқ умр кўриш насиб этмади. У 1822 йили, 29 декабрда 35 ёшида вафот этди. Бу воқеа мамлакат аҳлини ларзага солди. Замон шоирлари унинг вафотига бағишлаб марсия-таърихлар ёздилар. Жумладан, Фазлий ўзининг 72 мисрадан иборат марсия-мусаддасида Амирийнинг ижодий мероси ҳақида шундай деб ёзади:

**Гар топти завол офтобинг,**
**Оламда нишонадур китобинг,**
**Чун қолмади сўзламоққа тобинг,**
**Байту ғазалинг эрур жавобинг.**

Дарҳақиқат, Амирийдан қолган нишона унинг шеърлар девонидир. Унинг ҳаётлик пайтида тузилган "Мажмуаи шоирон" тазкирасида ҳамда Ҳакимхон тўранинг "Мунтахаб ут-таворих" асарида Амирий шеърларидан кўплаб намуналар келтирилган, девони эса котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, Марказий Осиё ва Туркияда кенг тарқалган. XIX асрда Навоий девонидан кейин энг кўп кўчирилган девон Амирий девони дейилса муболаға бўлмайди. Филология фанлари номзоди З.Қобилова Амирий девонининг ҳозирги кунгача маълум бўлган қўлёзма нусхалари 30дан ортиқ деб ҳисоблайди. 1881 — 1887 йиллари Истанбулда Амирий девони 8 марта типография усулида, 1888 — 1910 йиллари Тошкентда литография усулида 6 марта чоп этилган.

Амирий шеърларидан намуналар XX асрда С. Айний, О.Шарафиддинов томонидан тузилган тазкира ва хрестоматияларда ҳам нашр этилган. Амирий девони қисқартирилган ҳолда адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова томонидан сўзбоши, луғатлар билан Тошкентда 1972 йили нашр этилди. 2008 йили эса А. Мадаминов, Э. Очилов, З. Қобилова биргаликда нашрга тайёрлаган Амирийнинг танланган ўзбекча ғазалларидан иборат "Қошинғға тегузмағил қаламни" номли китоб чоп этилди.



Амирий девонининг илк қисқартирилган вариантини нашрга тайёрлаган адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова китобга ёзган сўзбошисида Ўз РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 3642-,4419-,4727- ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган 99-, 153-рақамли қўлёзмаларни мўътабар деб ҳисоблайди ва девонни нашрга тайёрлашда мазкур қўлёзмаларга таянч манба сифатида мурожаат қилганлигини таъкидлайди. Адабиётшунос З.Қобилова 2010 йили нашр этилган "Амирий шеърияти" монографиясида М. Қодирова мўътабар манба сифатида мурожаат қилган юқорида зикр этилган қўлёзмаларни батафсил тавсифлагани ҳолда Ўз РФА Шарқшунослик институтидаги 3642-рақамли қўлёзма ҳамда қўқонлик адабиёт ихлосманди Солижон Йўлдошев шахсий кутубхонасидаги қўлёзмага таянч манба сифатида қараганлигини айтади. Қўқонлик С. Йўлдошев шахсий кутубхонасидаги Амирий девонининг қўлёзма нусхасида жами 549 шеър мавжуд бўлиб, бугунги кунда шоир девонининг энг тўлиқ ва мўътабар нусхаси ҳисобланиб келмоқда.

## Ўзбек мумтоз адабиёти

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда Амирий таваллудининг 230 йиллигига атаб Фарғона вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Амирий девонининг икки жилддан иборат мукаммал нашри амалга оширилганлиги маданий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди. "Тамаддун" нашриётида чоп этилган ушбу девоннинг биринчи жилдини Аҳмаджон Мадаминов, Эргаш Очилов, Зебо Қобилова, Олимжон Давлатов, иккинчи жилдини эса Олимжон Давлатов ҳамда Зебо Қобилова нашрга тайёрлаган. 1-жилдга Амирий девонидаги ўзбекча шеърлар, 2-жилдга эса форс тилидаги шеърлар киритилган. I - жилдга адабиётшунос Зебо Қобилова "Муҳаббат мамлакатининг амири" сарлавҳали сўзбоши ёзган. Унда муаллиф Амирийнинг яшаган даври, ҳаёти ва фаолияти, асарларининг қўлёзма ва босма манбалари, уларнинг тавсифи, бадиий хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот беради. Нашрга С. Йўлдошев шахсий кутубхонасида сақланаётган девоннинг қўлёзма нусхаси асосий манба бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлайди.

Янги нашрнинг аввалги нашрлардан афзал томонлари кўп. Аввало, девоннинг ҳажми анча катта. Девоннинг 1972 йилги нашрида жами 261 шеър бўлса, янги нашрда уларнинг сони 532тадир. Бинобарин, нашрга тайёрловчилар томонидан девондаги ўзбекча шеърларни алоҳида, форсча шеърларни алоҳида жилдга киритганлари маъқул иш бўлган.

Янги нашрнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда матнларнинг тўлиқ, бехато берилишига ҳаракат қилинган. Масалан, аввалги нашрда девон дебочасининг матни беш жойда қисқартирилиб, ўрнига кўп нуқталар қўйилган. Янги нашрда бу камчиликка барҳам берилиб, дебоча матни тўлиқ келтирилган, хато ўқилган сўзлар тўғрилаб ёзилган.

(Амирий девони дебочасидан бир иқтибос:

"Ночор ул киромий жамоа илтимосларин қабул қилмоқдин ўзга чора топмадим ва ул тасвидот ажзоларикким баъзиси турк суманбарлари савдосида туркий тил бирла айтилғон ва баъзиси тожик паривашлари сарви қадлари ҳавосида форсий лафз бирла ёзилғон эрди, ул мажмаъда ҳозир қилиб, сўз мудаққиқлари орасида ўртаға солдим...

...Туркий ва форсий ғазаллар ширу шакардек омизиш топиб, ҳар бири ўз ерида ҳар қайси ўз маҳаллида воқеъ бўлди.)

Янги нашрдаги девоннинг 2-жилди Амирийнинг форс тилида ёзилган шеърларини ўз ичига олади. Мазкур жилдга филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул "Салтанат ва шеъриятдаги қисмат" сарлавҳали сўзбоши ёзган. Муаллиф сўзбошида Амирийнинг бугунги китобхонга умуман нотаниш бўлган форс тилидаги шеърларининг асосий ғоя-мазмунини бир қанча мисоллар воситасида тушунтириб беради. 2-жилдга Амирийнинг форс тилидаги 142 ғазал, 18 мухаммас, 1 мусаддас-таржиъбанд, 1 мусаддас-таркиббанд, 1 мусамман – жами 163 шеъри киритилган. Ушбу жилднинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда шеърнинг араб ёзувидаги матни билан унинг жорий ёзувдаги табдили ёнма-ён берилган. Бу – нашрдан фойдаланувчи оддий китобхонга ҳам, мутахассис-тадқиқотчига ҳам қулайлик туғдиради. Аввалги нашрда Амирийнинг форсча ғазалларидан намуналар берилмаган эди. Фақат Жомий, Камол, Бедил ғазалларига боғланган жами 5 мухаммас ўрин олган эди. Янги нашрда Соиб Табризий, Камол, Жомий, Мушфиқий, Бедил, Холис, Мухторий ғазалларига боғланган жами 18 мухаммас ўрин олган. Девоннинг 1-жилдида айрим тушуниши қийин сўзларнинг луғати ҳар саҳифанинг қуйи қисмида берилган. Ҳар икки жилдда ҳам шеърлар рақамланиб, мундарижада ҳар бир шеърнинг биринчи мисраси кўрсатилган. Бу китобдан фойдаланишни қулайлаштиради. Тўғри, бу нашрда ҳам мусаҳҳиҳнинг эътиборсизлиги туфайли ўтиб кетган айрим жузъий техник нуқсонлар, яъни сўзлардаги айрим ҳарфларнинг тушиб қолиши, баъзи ҳарфларнинг алмашиб қолиши, айрим сўзларинng бир жойда икки мартадан ёзилиши ёки араб ёзувидаги матн билан жорий ёзувдаги матн ўртасидаги тафовутлар учрайди. Аммо булар жуда оз.

Девоннинг ҳар икки жилди ҳам полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилганлигини таъкидлаш зарур. Китоб муқоваси ҳам, ҳар бир саҳифанинг нафис миллий нақшлар билан безатилгани ҳам шеърларнинг мазмун-моҳиятига мосдир.

Умуман айтганда, мазкур нашрни матншунослигимизнинг жиддий ютуғи деб ҳисоблаш мумкин. Амирий девонининг ушбу янги нашри шоир таваллудининг 230 йиллигига муносиб совғадир.

**Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Профессор Лазиз Қаюмов Қўқонда, ўз даврининг таниқли зиёлиларидан Пўлатхон домла Қаюмов хонадонида туғилиб тарбия топди. Қўқон адабий муҳитининг фаолларидан бўлган, "Тазкираи Қаюмий" каби нодир тазкиранинг муаллифи Пўлатхон домла оиласидаги маърифий муҳит унинг фарзандларига ҳам бевосита таъсирини ўтказди. Маърифатли инсонлар фарзандларини ҳам маърифат йўлида хизмат қилишини истасалар керакки, етук зиёлилардан Пўлатхон Қаюмий ўғиллари — Азизхон ва Лазизхонга маърифат йўлида таълим-тарбия берди.*



# ОЛИМ ВА МУРАББИЙ

Лазиз Қаюмов ўрта мактабни тугатиб, ЎзМУнинг филология факультетига (ўша вақтда САГУ) ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлди. 1947 йилдан бошлаб бир умр университет билан боғланиб қолди. Абдураҳмон Саъдий, Ғулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Зикриё Мирҳожиев каби олимлардан сабоқ олган, адабиётга меҳри улкан йигит талабаликдан деканликкача, аспирантликдан профессорликкача бўлган илмнинг машаққатли йўлини босиб ўтди.

Адабиётшунос сифатида Лазиз Қаюмов турли мавзуларда илмий мақолалар ёзса-да, асосий мавзуси Ҳамза Ҳакимзода ижоди эди. Олим Ҳамза ижодининг кенг қамровли, чуқур тадқиқотчиси сифатида танилади. Илмда "ижодий қиёфа" деган гап бор. Лазиз Қаюмовнинг ижодий қиёфаси унинг теран ҳамзашунослигидадир. Ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб бир шоир ижоди ҳақида тўрт китобдан иборат монографияни яратди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида юзга яқин мақолалар, драматик асар, воқеий ҳикоя, ҳужжатли фильм муаллифи бўлди. Албатта, бу тадқиқотларда озми-кўпми замонасозлик бўлган. Шуни унутмаслик керакки, ўша "қизил мафкура" ҳукмронлиги даврида бундан қочишнинг иложи йўқ эди...

1950-йиллари адабий меросга муносабат масаласи жуда долзарб эди. Ҳукмрон мафкура тазйиқи остидаги зиёлиларга осон бўлган эмас. 1957 йили Ғулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддиновнинг "Адабий меросимизни чуқур ўрганайлик" сарлавҳали мақоласи эълон қилиндики, бу мақола ўзбек адабиётшунослиги, адабиёт тарихига муносабатда бурилиш ясади дейиш мумкин.

Лазиз Қаюмов ҳар бир илмий мақоласида янги гап айтишга интилди. Илмий фактларни китобхонга етказишнинг манзур ва мақбул йўлларини излади. "Ажойиб кишилар ҳаёти" туркумида ёзилган Ҳамза ҳақидаги китоб ўзбек адабиётида янги — бадиий биографик тарзида ёзилган асарлардан эди. Илмий фикрларини, тарихий фактларни бадиий ифодалашни Лазиз Қаюмовнинг бошқа илмий ишларида ҳам кўрамиз. Доцент Муҳсин Олимов "Лазиз Қаюмов" адабий портретида домладаги муҳим жиҳатлардан бири: "Ҳар бир ижодкор асарларига санъаткор кўзи билан қараб шоир шахси билан ижоди ўртасидаги диалектикани очишга интилишида экани"ни алоҳида таъкидлайди.

Олий ўқув юртларида дарс беришнинг айрим мураккабликлари бор. Ўқитувчи сифатида талабаларнинг кўнглига йўл топиш, олим сифатида доимо илмий изланишлар олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Домла устоз — шогирдлик ҳақида сўз кетса шоир Фазлий Намонгонийнинг:

***Андоққи нуктадонсан, ким эрди устозинг,***
***Ой касб нур қилмас то офтоб кўрмай —***

мисраларини такрорлашни хуш кўрарди. Шу ўринда домланинг ўзи ҳам шеърлар машқ қилиб, таржима билан шуғулланганини эслатиб ўтиш жоиз.

Олим замондош шоир, ёзувчилар ҳақида кўплаб илмий мақолалар ёзди. Уларнинг ижодидаги ўзига хосликларни маърузалар ўқиш жараёнида ҳам, илмий монографияларда ҳам зукколик билан акс эттирди. "Шоира Зулфия", "Замондошлар", "Қардошлар" китоблари фикримиз далилидир. Домла ўзбек адабиётининг фаол тарғиботчиларидан бири эди. "Замондошлар"(1972) китобида Ғафур Ғуломдан Ўлмас Умарбековгача бўлган ўнлаб ўзбек шоир, ёзувчиларининг адабий портретини яратган бўлса, "Қардошлар"(1974) деб номланган адабий-танқидий мақолалар тўпламида рус, украин, белорус, тожик, қозоқ ва яна бошқа халқлар ижодкорлари хусусида қимматли фикрларини билдирди, адабий фактларни истеъмолга киритди.

Мустақилликкача бўлган даврда ўзбек адабиётининг жаҳон миқёсига чиқиши нақадар машаққатли кечганини бугун ҳеч кимга сир эмас. Лазизхон домла ўша даврда ҳам имкони қадар ўзбек адабиётини тарғиб қилди. Москвада нашр этиладиган "Литературное обозрение" журналининг таҳририят аъзоси сифатида ўзбек адабиётига оид мақолалар чоп қилинишида жонбозлик кўрсатди. Хориж сафарларидаги адабий анжуманларда адабиётимиз шаънини юқори кўтаришга интилди. "Меридиандаги учрашувлар"(1976) китоби фикримизга яхши далил бўла олади.

## Яхшидан боғ

Домла мумтоз адабиётимиз хусусида сўз юритадими, замондош шоирларимиз ижодидан баҳс қиладими, шеърларни ёддан ўқир, тингловчи юрагини жизиллатадиган бадиий юксак мисолларни келтирарди. Фикримни устоз маърузаларини тинглаганлар тасдиқлайди, албатта. Домлада бошқалар учун унча аҳамияти йўқдек кўринган адабий фактлардан ҳам салмоқли хулосалар чиқариш салоҳияти бор эди. Гоҳида устоз бир-икки шогирдини олиб, шаҳардаги китоб дўконларини айланарди. Эринмасдан пештахтадаги янги китобларни варақлар ва бизга китоб ҳақида ёки муаллифи тўғрисида биз билмаган, кутилмаган фикрларни айтарди. Лазиз Қаюмов шогирдларига бошқа устозлардан кўра анча қаттиққўл эди. Бу гоҳида малол ҳам келар, аммо бугун тушунсак илмий ишни ўз вақтида ёқлаш учун устознинг "қаттиқ"лиги зарур экан. Лазиз домлани яхши билмаганлар учун домланинг сажияси серзарда кўриниши мумкин эди. Бироқ домла қалбан жуда нозик инсон эди. Илк дафъа домланинг кўзида ёш кўрганда шу фикрга келгандим. Сабаб: Лазиз ака "Қалдирғоч" пьесаси устида ишлаётганда, айрим якшанба кунлари режиссёр Ҳамид акани ва бирор шогирдини олиб Дўрмондаги дала ҳовлисига чиқиб кетарди. Шундай якшанбаларнинг бирида домла айтиб турибдилар, мен ёзаяпман. Орада Ҳамид акаям фикр билдириб қўяди. Песанинг асосий мазмуни Ҳамзанинг етим болаларни йиғиб ўқитиш фаолиятига бағишланган. Песадаги "Ҳамза ҳар нарсага чидарди, фақат етимлар кўз ёшларига чидолмасди", деган гапларини кўзида ёш билан ёздирганди. 1978 йили Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган асар ёшларнинг меҳрини қозонди. Домланинг "Меҳридарё", "Гулистонинг сенинг", "Варақлар бағридаги нур" каби воқеий ҳикояларида ҳам муаллиф ички дунёсининг нозикликлари акс этган.

Лазиз Қаюмовнинг ўқитувчи сифатида ўзига хослиги нутқининг ниҳоятда равонлиги, илмий диапазонининг кенглигидадир. Домла талабалар аудиториясида бўладими, ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларида маъруза ўқийдими ёки телевидение орқали ўқув дастурларида чиқиш қиладими, ҳеч қачон қоғозга қарамасдан, шеърларни ҳам, илмий фактларни ҳам ёддан айтарди. Журналист ва адабиётшунос Маҳмуд Саъдий суҳбатлардан бирида лирик шеъриятга меҳр уйғотишда домла Лазиз Қаюмовнинг маърузалари таъсир қилганини мароқ билан сўзлаб берганди. Шу ўринда бир воқеани эслаш жоиз. Домла бўлажак машҳур шоир Эркин Воҳидов биринчи курс талабаси эканида "Адабиётшуносликка кириш" фанидан дарс берган экан. Бир куни уйга вазифа қилиб атоқли шоирлар ижодидан бадиий санъатларга мисол топиб келиш топширилибди. Эркин Воҳидов яхши мисоллар топиб келган ва «беш» баҳо олган. Адашмасам, 1979 ё 80-йилнинг баҳор ойларидан бирида, Дўрмондаги дала ҳовлида домла киношунос Борий Ҳасанов билан шахмат ўйнаб ўтирганида Эркин Воҳидов келиб қолди. Суҳбат янада қизиди. Бир вақт Эркин ака Лазиз акага биринчи курсда уйга берилган вазифани, бадиий санъатларга мисол топишни излаб ўтирмай ўзи ёзиб қўя қолганлигини, домла унга «беш» баҳо қўйганлигини ҳазилнамо қилиб айтиб қолди. Шунда домла индамай ўрнидан турди-да уйнинг иккинчи қаватига кўтарилди. Бироз вақт ўтгач, қўлида Эркин Воҳидов биринчи курслигида(1953) ёзган ўша дафтарни олиб тушди. Эркин аканинг кўзлари чақнаб кетди. Лазиз ака шеърларни Эркин Воҳидов ўзи тўқиганлигини билгани, қойилмақом қилиб тўқилгани учун индамагани, келажакда улкан шоир бўлганда айтиш учун шунча вақтдан бери сақлаб келаётганини айтганида домланинг шогирдпарварлигига, ёш талантлар келажагини кўра билиб асраб-авайлашига шу ерда бўлганлар ичида таҳсин айтган бўлиши керак. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари давримизнинг забардаст шоирлари Лазиз Қаюмовни устоз деб ҳурматлаганлари бежизга эмасдир.

Ўттиздан эндигина ўтган адабиётшунос олим республикадаги нуфузли, ягона адабий газета "Ўзбекистон маданияти"га ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати") бош муҳаррир этиб тайинланган Лазиз Қаюмов узоқ йиллар газета таҳририятига раҳбарлик қилганда ҳам, кейинчалик "Ўзбекистон овози" газетасига бош муҳаррир бўлганда ҳам ўқитувчилик касбини ташламади. Ёшларга сабоқ беришни ҳар нарсадан афзал билди. Айни пайтда республикадаги ягона адабий газетага кўплаб ёшларни жалб қилди. Турли жанрларда ёшларнинг ёзганларини чоп этиб, уларни маънан қўллади, адабиётнинг катта йўлига чиқишда руҳлантирди.

Ўзининг бутун умрини шарафли касб — устозликка, илмга бахшида этган, кексайган чоғида ҳам талабалардан кўнгил узолмаган устоз хотирасини эслаб, ёд этиш шогирдлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Тарихий мажмуалар, бетакрор обидаларнинг улуғворлигини таъминлашда кошинлар алоҳида ўрин тутади. Кошинлар лойни пишитиш ва оловда тоблаш, тасвир солиш ҳамда сирлаш орқали яратиладиган халқ амалий санъати намунаси, шарқона ва салобатли биноларда ишлатиладиган қурилиш ашёси, гўзал безак намунасидир.*

# ЛОЖУВАРД УЛУҒВОРЛИК

Вақт ўтиши билан тарихий иншоотлар таъмирталаб бўлиб қолиши табиий. Ана шу кемтик ва бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш, маданий меросимизни келажак авлодларга етказиш мақсадида уста ва устазодалар бетиним иш олиб боришади. Пештоқ ва гумбазлар, миноралардаги асл ранг ва тасвирлар ўрганилиб қайта тикланади, пардозланади. Бунда кошинларни тайёрлашдек мураккаб вазифа ҳам юзага келади.

Айни чоғда бундай вазифани кўнгилдагидек адо этишда Самарқандда ўзига хос мактаб яратилган. Икромжон Ҳалимов ана шу мактабнинг кенжа вакилларидан бири сифатида кошинкорлик сирларини ўзлаштириб, яхши натижаларга эришмоқда.



— Кошинлар қадимий бинолар кўркамлиги ва салобатини таъминлаш билан бирга, уларнинг ўзига хослиги ва ҳашамдорлигини намоён этишдаги асосий восита ҳисобланади, — дейди устоз. — Деворлар сиртидаги барча декорлар, мозаика ва майоликалар уйғунликда янада кўркамлик ва ёрқинлик касб этади. Мазкур устахонада тайёрланаётган кошин нусхалари Шоҳи Зинда, ҳайратли Регистон мажмуаси ва Амир Темур мақбараларидан олинган. Бундай шарқона нозиклик ва меъморий ечимга эга, ранглари уйғун ва мураккаб кошинларни тайёрлаш ва пишириш, такомиллаштириш жараёнларига ўта эҳтиёткорлик билан ёндошилади. Ҳозирда уста меъморлар бинолардаги кошинларнинг аслиятидан нусха кўчириб, уни янада бойитиб, замонавий услуб бахш этиб тайёрлашни ҳам ўзлаштириб бормоқда.

Бир метр квадрат ҳажмдаги кошинни тайёрлаш учун беш нафар уста бир ҳафта давомида тер тўкиши зарур бўлади. Айниқса, турли рангларни ўзаро уйғунлаштириш, шакл бериш жараёни қийин кечади. Ҳаётга ҳавас уйғотувчи осмон ва майсалар, чечаклар рангини чиқариш, яхлитликка эришиш катта меҳнат талаб этади. Кошинларни пишириш янада нозик иш.

Айтиш жоизки, мовий кошинлар Амир Темур давригача йўқ эди. Унгача тикланган иншоотлар сарғиш, яъни ғишт рангида бўлган. Бундай бинолар ҳозиргача сақланиб қолган. Нима учун Амир Темур мовий ва ложувард рангни танлагани ҳақида олимлар ўртасида ҳанууз турли мунозаралар мавжуд.

**Камол эт касбким**

Француз олимаси Фредрик Брессан хоним бу борада шундай дейди: "Амир Темур туркий ҳукмдор эди. Туркий ҳукмдорлар, турклар Кўк Тангрига сиғинганлар. Кўк Тангри бу — Осмон. Осмоннинг ранги эса мовий. Шу жиҳатдан Амир Темур мовий рангни танлаган". Ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Кўк ва ложувард ранглар дастлаб Самарқандда туғилди. Кейинчалик бу ердан Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонга, бутун дунёга тарқалиб кетди.

Яхши биламизки, халқимиз моддий маданиятининг энг қадимий ва дастлабки ёдгорликлари сопол идишлардир. Олис йўлни босиб ўтган сопол бугунга келиб нафақат қулай идиш, балки халқ амалий санъати намунасига айланиб, янгидан-янги қиёфа касб этаяпти. Кошинпазликнинг ривожланиши айнан Самарқанд билан боғлиқ, бу ҳунар соҳиблари туфайли жилоланиб турган шаҳар довруғи дунёга таралган.

Археолог олимларнинг хабар беришича, кулолчилик билан дастлаб аёллар шуғулланган. Кулол чархи яратилгач, бу соҳага эркаклар ҳам жалб қилинган. Натижада сополдан қурилиш ва меъморликда кенг фойдаланиш, нафис идишлар тайёрлаш авж олган. Ранглаш, сирлаш усуллари кашф этилгач эса сопол маҳсулотларининг бадиий қиммати ҳам ошиб борган. Уста кулоллар сулоласи вужудга келгач, махсус устахоналар пайдо бўлган.

Миллий кулолчилигимизнинг замонавий намуналаридан бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар, санъат саройлари, нуронийлар чойхоналари, меҳмонхоналарда ҳам кенг ва ўринли фойдаланилмоқда. Бу эса ўзига хос уйғунлик касб этиб, иншоотларга кўркамлик бахш этаяпти.

Бу йўналишда фаолият юритаётган қўлигул кулоллар томонидан яратилаётган буюмларнинг тури, шакл-шамойили ва жозибаси таърифига тил ожиз. Халқ бадиий ҳунармандчилиги анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган кулол Баҳром Бердиевнинг бешта фарзанди шу соҳа жонкуярлари ҳисобланади. Улар бугунги эҳтиёж ва талаблар асосида кулолчиликнинг барча йўналишларида ижод қилиб, қадимий ҳунарнинг янги-янги қирраларини очишяпти. Товоқларга солинадиган манзара, портрет, турли сюжетлардан тортиб, ҳар хил ҳажм ва шаклдаги уй ичи ва кўчаларга қўйиладиган кўзалар, бежирим ва совғабоп идишлар, ўйинчоқлар бунинг ёрқин мисолидир.

Самарқанд мактаби вакиллари, асосан, қадимий Афросиёб кулолчилиги услубида ишлашади. Улар яратган сопол идишлар ва буюмларда қўрғошинли сир, сарғиш-яшил, айниқса, жигарранг бўёқлар, ўсимликсимон нақшлар етакчилик қилади. Кулол Баҳром Бердиев танлаган йўналиш шу жиҳатдан ажралиб туради.

— Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг йил сайин тараққий топиб бораётгани ҳам қўлда ясалаётган декоратив кулолчилик буюмларининг янада нафислашиб, турлари кўпайиб, харидоргир бўлишига сабаб бўляпти, — дейди уста. — Мустақиллик йилларида юртимизда улкан ўзгаришлар рўй бериб, кўплаб боғ ва майдонлар, йўллар барпо этилди. Бизлар ҳам бундай ободончилик ишларидан четда турганимиз йўқ. Хиёбонлар ва бинолар атрофида шарқона, миллий ҳунармандлигимиз асосида яратилаётган турли рамзлар, бадиий безакли буюмлар, хумлар ва кўзалар, қуш ва бошқа жониворларнинг тимсоллари пайдо бўлди. Бу эса шаҳарларимизга кўркамлик ва миллий руҳ бахш этмоқда...

Дарҳақиқат, самарқандлик кулоллар томонидан яратилаётган бежирим ва ўзига хос маҳсулотларни дунёнинг барча мамлакатларида учратиш мумкин. Бу афсонавий қадим шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳ ва меҳмонлар осори-атиқаларимиз, қадимги кулолчилик намуналаридан ҳайратланиш баробарида, бугунги кулолларнинг диди ва маҳоратига ҳам таҳсин ўқишмоқда.

**Тошпўлат ТУГАЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# ФИДОИЙ ШАРҚШУНОС

Филология фанлари номзоди, профессор Зокиржон Орипов номи республикамиз шарқшунослари ва мусиқа жамоатчилиги орасида яхши таниш. Бундан роппа-роса 45 йил муқаддам Консерваторияда муаллимлик фаолиятини бошлаган З.Орипов ҳозирга қадар кўплаб назариётчи ва амалиётчи мусиқачиларга сабоқ бериш билан бирга, шарқшуносликка туташ мусиқашунослик фани ривожига ҳам қимматли улуш қўшиб келмоқда.

**Умр ибрати**

Тошкент давлат университети Шарқ факультетини араб филологияси бўйича тугаллаган З.Орипов бир муддат Мисрда таржимонлик хизматини ўтаб қайтганидан сўнг консерваториянинг "Шарқ мусиқаси" кафедрасида араб тили ўқитувчиси сифатида иш бошлади. Ўзбек мусиқаси бойликлари қаторида Шарқ халқлари анъанавий мусиқасини назарий ўрганиш ва амалий ўзлаштириш масалаларига бағишланган кенгаш мажлислари, анъанавий ижрочилик муаммолари бўйича баҳс-мунозаралар унда илғор илмий-мусиқий тушунчаларни шакллантира борди. Тез орада Зокиржон муаллим ёш ўқитувчилару иқтидорли талабалар ижодий ютуқларини матбуот саҳифаларида, радио эшиттиришлар, оммабоп телекўрсатувлар орқали тарғиб этишга ғайрат билан киришади. Бу борада соҳа етакчиларидан таниқли фан арбоблари Файзулла Кароматов билан Исҳоқ Ражабов, машҳур санъат усталаридан Фахриддин Содиқов, шогирди Абдураҳим Ҳамидовнинг ёрдам ва маслаҳатлари қўл келади.



Ўтган давр мобайнида талабаларни қизиқтириб дарс ўтиши, мустақил илмий изланишлари, маънавий-маърифий фаолияти билан устознинг номи жамоатчилик орасида тилга тушди. Аждодларимиз, Шарқ мутафаккирлари томонидан араб тилида битилган мусиқий адабиётларни она тилимизга ўгириш ва мутолаа қилиш кафедра битирувчилари орасида сезиларли даражада жонланди. Бирин-кетин Форобий, Ибн Зайла, Ал-Хоразмий, Ал-Исфахоний ва бошқа алломалардан қолган мусиқага оид ёзма ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб кўрсатадиган илмий изланишлар пайдо бўлди. Шарқ мақомоти ижод намуналарини қиёсий ўрганишда, масалан, ҳассос араб хонандаси Умм Кулсум ижро санъатини ёритишда, қолаверса, араб мамлакатларида чоп этилган қатор мусиқа адабиётларини илмий муомалага киритишда профессор З.Ориповнинг хизматлари катта. Олимнинг яқин кўмаги ва ҳамкорлигида Миср, Жазоир, Ироқ, Сурия каби араб мамлакатлари мусиқа маданиятига доир янги мавзулар кўтарилди. Вақт-соати келиб катта тажриба орттирган устоз Консерватория талабаларига мусиқий манбашунослик фанидан ҳам сабоқ беришга киришди. Эндиликда араб, форс, урду-ҳиндий тилларда битилган мусиқий рисолаларни ўрганиш учун мутахассислар тайёрлаш ҳаракати кучайди. Шарқшунослар билан мусиқашунослар ўртасида яқин алоқаларни ривожлантириш, илмий-ижодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш борасидаги ишларни З.Орипов беминнат бажариб келмоқда.

Мустақиллик йилларида устоз янада баракали ижод қилди. Жумладан, қизиқарли мавзуларга бағишланган илмий тадқиқот ва илмий-маърифий тоифадаги 50 дан ортиқ мақолалари қаторига "Ибн Зайланинг "Китабу-л-кафи фил-л-мусиқа" рисоласидаги мусиқашунослик атамалари" монографияси ҳамда "Шарқ мусиқий манбашунослиги (X-XI асрлар)" ўқув қўлланмасини тилга олиш мумкин. Айни шу йилда нашр юзини кўрган "X-XV асрлар Марказий Осиё мусиқа манбашунослиги" номли илмий монография минтақамиз халқлари мусиқа манбашунослиги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон шарқшунослик мактабининг кўзга кўринган вакили, самарали меҳнат фаолиятини мусиқий шарқшунослик равнақига бағишлаган Зокиржон Орипов бугун айни кучғайратга тўлган етуклик палласида. Устозга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, янгидан-янги ютуқлар тилаган ҳолда, Оллоҳдан барча эзгу ният, дуо ва амаллари ижобат бўлишини сўраймиз.

**Равшан ЮНУСОВ,**
**мусиқашунос олим**

# ИШҚ ЙЎЛИН ҲАВАС АЙЛАБ

Ҳурматли синглим Наргиза!

Сиз ижро этаётган бир-биридан гўзал ва жозибадор қўшиқларни кўпдан тинглаб келаман. Ўзингизга хос ижро йўлингиз бор. Овозингиздаги юракларни титроққа соладиган ажиб сеҳр ва дард ҳар бир қўшиғингизга жон бағишлаб туради, десак бу фикрга мухлисларингиз ҳам қўшиладилар, деб ўйлайман.

Шу кунларда телевидение орқали «Борми, ёронлар?» деб номланган янги қўшиғингизни эшитиб, миллий оҳанглар ва нолаларни соғинган юраклар яна ҳаяжонга тушди. Бу янги қўшиқ машҳур шоир Махтумқули шеъри асосида яратилган бўлиб, мусиқасини Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов басталаган экан. Аввало, шеър зўр, мусиқа ҳам, ижро ҳам узукка кўз қўйгандай бир-бирига жуда мос тушибди. Бу ижодий жараён туфайли халқона қўшиқ яралгани билан Сизни табриклайман. Миллий қўшиқлар сони яна биттага кўпайгани ҳаммамизга муборак бўлсин!

Сўнгги пайтларда қулоқларимиз енгил-елпи, бачкана ва сийқа қўшиқларга (минг афсуски, уларнинг кўпчилигини қўшиқ деб бўлмайди) ўрганиб бораётган бир пайтда ушбу қўшиғингиз миллий оҳанги ва жозибадор ижроси билан қалбларимизга қувонч бағишлади.

**Ишқ йўлин ҳавас айлаб,**
**Келган борми, ёронлар?**
**Дардимни баён этсам,**
**Олган борми, ёронлар?..**

Энг муҳими, буюк шоир қаламга олган инсоний ишқ дарди қўшиқда ўзининг жозибали ижросини топган. Бу дард дилбар овозингиз туфайли тингловчи қалбига етиб бориб:

**Ишқ дуч келса бир мардга,**
**Айланар тўзон, гардга.**
**Менингдай ўзин дардга**
**Солган борми, ёронлар —**

деб, улар ҳам қўшиққа жўр бўлган бўлсалар ажабмас. Ҳа, бу тинглагач юракларда қоладиган ва такрорлаб юрадиган жозибадор қўшиқ бўлибди.

Сиз "Ўзбекистон" телеканалида намойиш этилган Янги йил байрам базмида мутафаккир шоир Махтумқули сўзига басталанган машҳур «Айрилма» қўшиғини юксак маҳорат билан ижро қилдингиз ва унинг дастлабки ижрочиси, атоқли санъаткор Комилжон Отаниёзов руҳларини ҳам шод этдингиз. Бу қўшиқни кўп таниқли хонандалар куйлашган, лекин овоз салоҳиятингиз туфайли бу ижро мухлислар юракларига етиб борди.

**Мактуб**

Ўша оқшом яна бир таниқли санъаткор Фаррух Зокиров ҳам Махтумқули шеъри билан «Айрилдим» қўшиғини ўзига хос маҳорат билан ижро этиб, мухлисларга муносиб совға ҳадя қилди:

**Булбулман, оҳу зор чекиб,**
**Тоза гулзордан айрилдим.**
**Кўздан қонли ёшни тўкиб,**
**Ул севар ёрдан айрилдим...**

Қўшиқ – қимматбаҳо лотерея ўйинига ўхшайди. Ҳамиша ютуқ чиқмаслиги мумкин, лекин битта зўр ютуқ ҳам хонандани машҳур қилиб юборади. Бунга қўшиқчилик санъати тарихидан мисоллар жуда кўп.

Устоз санъаткор Бобомурод Ҳамдамов бир суҳбатда айтганидек: «Илгари овози бор, ҳозир эса оғзи бор қўшиқ айтадиган бўлди». Қуруқ бақир-чақирдан, тақлиддан асло фойда йўқ. Бундай қўшиқларнинг умри жуда қисқалигини вақт кўрсатиб турибди. Назаримда, қўшиқдан кўра хиргойи кўпайиб кетаётгани ташвишли ҳол. Хиргойи қўшиқ бўлолмайди.

Репертуар – хонанданинг асл қиёфасини белгилайди. Унинг истеъдоди, ижро маҳорати ва куйлаш маданиятини репертуарига қараб баҳолаш мумкин. Афсуски, баъзи таниқли хонандалар ҳам репертуари устида жиддий ишламай ва ўйламай қўйди. Айримларида репертуар маданияти етишмаса, айримларининг репертуарлари гўё турли ўт-ўланлардан уюлган хашак хирмонини эслатади.

Агар устоз санъаткорлар ижоди ва репертуарини кузатадиган ёки ўрганадиган бўлсак, ибратли ҳамда ҳайратли мисолларга дуч келамиз. Ҳозир тўйбоп қўшиқлар хонандаларни жуда шоshiриб қўйди.

Сиз репертуар тузишда оз ва соз йўлини танлагансиз. Бунда ҳам ҳикмат бор. Шу йўлдан асло қайтманг. Қўшиқчилик санъатида сон эмас, сифат керак. Қўшиқ санъати оламига қизил кийимда кириб келдингиз. Ва ҳануз ушбу йўлга содиқсиз. Бошингиздаги ўзбекона боғланган қизил дуррачангиз ўзингизга жуда ярашган. Сизни қип-қизил бўлиб очилган атиргулларнинг дугонаси, деб атагим келади. Бу ҳолат қўшиқларингиз руҳига ҳам кўчган.



Янги йилда бизга туҳфа этган янги қўшиғингиз яна бир бор муборак бўлсин! Шундай жозибадор, гўзал қўшиқларингиз кўпайиб боришини истаймиз.

**Ҳурмат билан,**
**Ашурали ЖЎРАЕВ**

# РАҚС — ЖИДДИЙ МАСАЛА

Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, истиқболни белгилаш мақсадида Маданият вазирлиги "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси қошида илмий-услубий кенгаш ташкил этилди. Яқинда мазкур кенгашнинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни олиб борган муассаса бўлим бошлиғи, санъатшунос А.Раҳимов шундай деди: "Рақс ривожида, унинг негизида илмий изланишлар ётибди. Шунинг учун миллий рақс ва балет санъатида кўзга ташланаётган нуқсонларни бартараф этишда соҳа олимларининг ўткир нигоҳи ва кескин сўзи керак. Рақс санъати салоҳиятини юксалтириш нафақат раққос-раққосалар, балетмейстерлар, қолаверса ёш ва устоз олимлар зиммасида".

**«Ўзбекконцерт» ҳаётидан**

Кенгаш йиғилишида иштирок этган Ўзбекистон Фанлар академияси санъатшунослик институтининг театр ва хореография бўлими мудири Элдор Мухторов мазкур кенгашнинг ташкил этилиши айни муддао бўлганини айтди. "Муҳсин Қодиров, Любовь Авдеева, Розия Каримовалардан сўнг рақс санъатининг илмий изланиш йўлини бирор мутахассис мукаммал эгаллаб кетолмади, — деди у ўз сўзида. — Бу масалага кўп йиллар эътибор ҳам берилмади. Ҳали ҳам кеч эмас. Энди биз бирлашиб ёш рақсшунос тадқиқотчи олимларни тарбиялаб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, бу санъат ривожига ҳисса қўшишимиз лозим".

Тадбирда сўзга чиққан таниқли олимлар Оқилхон Иброҳимов, Рустамбек Абдуллаев, Раҳим Бегимов, Тоҳир Йўлдошев, Ирода Ғаниева, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова ва бошқа ёш тадқиқотчилар рақс йўналишлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографияларни яратиш ва нашр этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Ўз ахборотимиз**

# МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Маълумки, ўтган йили "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси негизида "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ташкил этилганди. Ўтган давр мобайнида муассаса томонидан талайгина ташкилий ва ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, икки ярим мингдан ортиқ жисмоний шахсларга, йигирмадан ортиқ юридик шахслар(ижодий жамоалар)га лицензия берилди. Ёш истеъдодли хонандалар, нафақадаги устоз санъаткорлар, ногирон ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўттизга яқин хонандага имтиёзли лицензия берилиб, улар давлат божидан озод этилди.

Афсуски, барча эстрада хонандалари ҳам давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдалана олишмаяпти. Айниқса, мукофот ва унвонларга сазовор бўлган хонандаларда талабчанлик йўқолиб бораётгани, репертуарларида мазмунан саёз, бадиий бўш, ижро маҳорати талаб даражасида бўлмаган қўшиқлар учраётгани, янги ижод намуналарини яратишга эътибор сустлиги кўзга ташланаяпти. Миллий қадриятларимиз, менталитетимиз, одоб-ахлоқ меъёрларимизга зид бўлган қўшиқлар эфирга узатилаётгани ҳам бор гап. Ижтимоий тармоқлар орқали турли беҳаё қилиқлар акс эттирилган фотосуратлар ва видеороликлар учраб турибди.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ана шу масалалар ҳақида сўз борди. Муассаса томонидан 2017 йилда амалга оширилган ишлар ва 2018 йилдаги устувор вазифалар бўйича маъруза қилган "Ўзбекконцерт" директори Одилжон Абдуқаҳҳоров мавжуд камчиликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ва галдаги ишларга тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Биз хонандалар билан биргаликда бир неча бор "Маънавият соатлари"ни ўтказдик. Айрим хонандаларнинг ўз аризасига асосан, баъзиларни огоҳлантириш мақсадида, жумладан, таниқли санъаткор Тоҳир Содиқов, "Ниҳол" мукофоти соҳиблари Шаҳноза Отабоева, Бунёдбек Саидов, Дилмурод Султонов, Шароф Муқимов, хонандалар Хадича Қурбонова, Шерали Бекмуродов, Азиза Ниёзметованинг лицензиялари тўхтатилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райҳон Ғаниева, хонандалар Муниса Ризаева, Шоҳжаҳон Жўраев, Шаҳриёр Аргонов, Комил Фозилов, Сарвар Азимов жиддий огоҳлантирилди. Концертлар ва томоша тадбирларини ташкил этиш эксперт комиссияси томонидан сценарий ва дастурдаги камчиликлар учун 28 та концерт-томошага рухсатнома бериш рад этилди.

Тадбирда, шунингдек, муассаса таркибида Рақс ва хореография санъати фаолиятини ривожлантириш ва ташкил этиш бўлими фаолият бошлагани, унинг мақсад ва вазифалари белгилаб олингани таъкидланди. Бу борада илк маротаба "Миллий рақс санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари" мавзусидаги илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши муҳим воқеа бўлди. Мазкур бўлим ходимлари билан биргаликда "Устоз-шогирд" Миллий рақс маркази ташкил этилди. Рақс соҳасида юзага келаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Балетмейстерлар кенгаши тузилиб, унга Ўзбекистон халқ артисти, таниқли балетмейстер Қодир Мўминов раис этиб тайинланди.

**Кенгашли тўй тарқамас**

Ўз фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиш, уларга тажриба ва билимларини ўргатиш, миллий эстрадамизни бегона таъсирлардан, айниқса, ёш ижодкорларни "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилиш, мазмунсиз, савиясиз қўшиқларнинг олдини олиш каби мақсадларни кўзлаб ташкил этилган "Халқ артистлари клуби" томонидан йиғилишлар ўтказилди, мусиқа ва санъат мактабларида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари давом этмоқда. Бу борада таниқли санъаткорлар Фаррух Зокиров ва Маҳмуд Намозов фаолияти эътиборга лойиқ.

Шу кунларда эса жонли ижрони қўллаб-қувватлаш ҳамда жонли ижродаги концерт дастурларига моддий имтиёзлар яратиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланмоқда. Миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, халқимизга янги ва мазмунли қўшиқлар тақдим этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда "Янги тароналар" республика кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган, миллий менталитетимизга мутлақо зид бўлган клипларнинг олдини олиш мақсадида уларни назорат қилиш бўйича Бадиий кенгаш ташкил этилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик: муассаса ҳузурида янги "Наво" журнали лойиҳаси бўйича иш бошланган.

Матбуот анжуманида қатнашган оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан берилган саволларга муассаса ходимлари ва таниқли санъаткорлар атрофлича жавоб беришди.

**Г.УМАРОВА**

# ДЎСТЛАР СОВҒАСИ








Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ банки ҳамкорлигида ташкил этилган "Дўстлар клуби"нинг қисқа давр мобайнида амалга оширган ишларидан кўпчилик мамнун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августда ўтказган мажлис баёни ижросини таъминлаш мақсадида Халқ банки ва Ёзувчилар уюшмаси ўртасида «Дўстлар клуби»ни ривожлантириш Концепцияси» ҳамда бу асосда ишлаб чиқилган «Дўстлар клуби»ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури» узоқни кўзлаган ҳамкорлик ишлари режали равишда изчил ривожланиб боришини таъминламоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўтказилаётган ижодий учрашувлар, адабий кечалар ҳам ҳамкорликни янада мустаҳкамлаётир.

Янги йилнинг илк кунларида "Дўстлар клуби"нинг Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасидаги навбатдаги учрашуви ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. Халқ банки ҳомийлигида мамлакатимиз ижод аҳлининг саломатлигига масъул поликлиника замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланди.

– Клуб томонидан амалга оширилаётган ишлар, шубҳасиз, адабиётимиз ривожига, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган, – деди тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. – Халқ банки билан ҳамкорликда Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги газета ва журналлар моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқувчилар сонини ошириш борасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди. Поликлиниканинг янги замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланиши эса ижодкорлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини сақлаш йўлидаги хайрли амал бўлди. Қолаверса, бу ишлар юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам мувофиқ келади. Поликлиникамиз кейинги йилларда ҳар жиҳат-

## Ўртада бегона йўқ

дан такомиллашиб боряпти. Болалар бўлими ташкил этилди, замонавий тиббий ускуналар сотиб олинди. Бугун яна янги тиббий жиҳозлар тақдим этилиши бошлаган ишларимизнинг изчил давом этаётганини билдиради. Бунинг учун дўстларимизга миннатдорлик билдирамиз ва уларни ҳам поликлиникамиз хизматларидан фойдаланишга таклиф қиламиз.

Албатта, замонавий тиббий ускуналар таъминоти билан биргаликда поликлиникада яратилган қулайликлар, ходимларнинг хушмуомалалиги, ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилиши, айниқса, зарур ҳолларда кекса ижодкорларнинг уйларига бориб тиббий ёрдам берилаётгани ижод аҳли учун яратилган шарт-шароитлар янада яхшиланиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда поликлиникага Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тажрибали бош мутахассислари бириктирилиб, ҳафтада бир марта маслаҳат бериш кунлари ҳам йўлга қўйилган. Доимий равишда олий тоифали етук мутахассислар – невропатолог, стоматолог, терапевт, окулист сингари ўндан ортиқ шифокорлар фаолият юритмоқда.

– Поликлиника ижодкорлар, "Дўрмон" ижод уйи, "Ижод" фонди, уюшма муассислигидаги газета ва журналлар, шунингдек, Бастакорлар уюшмаси аъзоларига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда, – деди поликлиника бош шифокори Анвар Ражапов. – Бугунги тадбир барча шифокорларимиз учун қувончли бўлди. Айни пайтда 1977 йилда олинган, эскирган, таъмирга муҳтож, диагностик талабларга жавоб бермайдиган рентген аппарати ўрнига ихчам, ҳатто "Тез ёрдам" машинасида олиб юриш учун қулай, нурланиш даражаси безарар, травматологик, пульмонологик, лор, стоматологик ва бошқа турдаги касалликларни аниқлашда ҳам фойдаланиладиган Мобил рентген ускунаси олинди. Шунингдек, тезкор ташхис учун қулай "Бинокульяр микроскоп", турли касалликларга дастлабки ташхис қўйиш, оғир касалликларнинг олдини олишда зарур бўлган "Коагулометр" аппаратлари ҳам шифокорлар иш самарадорлигини оширишда, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга ошириш, жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишда қўл келишига ишонамиз.

Тадбирда қимматбаҳо замонавий тиббий ускуналар ва мебель жиҳозларни шифокорларга топширишда иштирок этган республика АТ Халқ банки бошқаруви раиси ўринбосари Низомиддин Аббосов жойларда ўтказилган ижодий учрашувлар муносабати билан миннатдорлик билдириб, келгусида ҳам адабиётимиз равнақи йўлида яқиндан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида сўзлади.

Келгусида «Дўстлар клуби» томонидан турли ижодий учрашувлар ва танловлар ўтказиш, уюшма қошида бадиий таржима мактабини ташкил этиш, қардош давлатлар ўртасида адабиёт кунларини ўтказиш, уюшма аъзолари ва ижодкорларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ва бошқа хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**Ҳумоюн АКБАРОВ**

# АРМИЯМ — ФАХРИМ



Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг йигирма олти йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Менинг армиям — менинг фахрим" деб номланган анъанавий танлов ўтказилди. Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур танловда саралаб олинган юздан зиёд санъат асарлари кўргазмага қўйилди. Экспозициядан таниқли рассомлар, Қуролли Кучларда хизмат қилаётган ҳарбийлар, нафақадаги офицерлар, Олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган курсантлар, сержантлар ҳамда оддий аскарларнинг рангтасвир, графика, фото, амалий санъат каби йўналишлардаги асарлари ўрин олган.

## Нигоҳ

Маъмуржон Турғунов ва Баҳром Абдураҳмонов олган суратларда Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай асраётган мард ҳимоячиларнинг заҳматли ва матонатли ҳаёти тасвирланган лавҳалар акс этган бўлса, Ҳасан Мансуровнинг "Соғинч" картинаси, Шаҳризода Маматхонова ва Саида Жалилованинг Миллий армия ҳамда Амир Темур, Заҳириддин Бобур, довюрак Широқ сиймолари акс этган миниатюра асарлари кўргазмани мазмунан бойитган.

Танлов натижаларига кўра фотография, рангтасвир, графика ва миниатюра йўналиши бўйича Маъмуржон Турғунов, Баҳром Абдураҳмонов, Амина Зокирова, Мирвоҳид Мирсаидов, Ҳасан Эгамбердиев, Муяссар Собирова ғолиб деб топилди ва ташкилотчиларнинг диплом ҳамда совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари давлат музейи, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга таниқли санъткорлар ижросидаги миллий куй-қўшиқлар файз бағишлади.

# МЕНИНГ ВАТАНИМ



Иқбол Илҳомов ўзбек рангтасвир санъати анъаналарини бойитиб келаётган истеъдодли ҳарбий мусаввирлардан. Рассомлик иштиёқи подполковник Иқбол Илҳомовни доимо ижодга чорлаб келган. Унинг ҳар бир асари моҳиятида эзгулик мужассам. Ватанпарварликка даъват мусаввир ижодининг асосий тамойилидир. Куни кеча халқаро Маданият карвонсаройида мусаввирнинг Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган "Бу менинг Ватанимдир!" номли кўргазмаси очилди. Экспозицияга юртимизнинг сўлим гўшалари, тарихий обидалари акс этган ўттиздан ортиқ асар қўйилган.

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги Ҳапалак қишлоғида туғилган бўлажак ижодкор дастлаб Қўқон санъат билим юртида таҳсил олган. Кейин Тошкент давлат Санъат институтида таниқли рассом Раҳим Ризомуҳамедов гуруҳида ўқиб, "Маҳобатли рангтасвир мусаввири" дипломига эга бўлди. Иш фаолиятини Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейида рассом-безакчи сифатида бошлаган рассом 1995 йилдан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий офицерлар уйида ишлаш баробарида, Қуролли Кучлар академиясида рассомлик фаолиятини давом эттирди. 1998 йили Тошкент Олий умумқўшин командирлар билим юртида офицерлар тайёрлаш курсини битириб, подполковник унвонига сазовор бўлди.

Рассомнинг "Тоғ йўли", "Боғда баҳор", "Бурчимулла" каби асарларида ўлкамиз табиатининг гўзаллиги тараннум этилса, "Бухоро кўчалари", "Чинор. Лаби-Ҳовуз", "Хива", "Бухоро савдо растаси" сингари ишларида юртимизнинг тарихий обидаларини, юртдошларнинг турмуш тарзи ва меҳнат жараёнлари меҳр билан тасвирлаган.

— Бухоро шаҳрида йигирма йилдан зиёд хизмат қилиб, ҳарбий бурчимни ўтадим, — дейди мусаввир. — Қадим шаҳарга меҳрим баланд, унинг оддий биноларидан тортиб муҳташам обидаларигача кўнглимга яқин. Ушбу кўргазма кўрган-кечирганларим, бой таассуротларим мевасидир.

**С. ҚОСИМОВА**

*А.ПОПОВ олган сурат.*

# ТИНЧЛИГИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Ёзувчилар уюшмасида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент Ахборот технологиялари университети махсус факультети курсантлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳарбий хизматчилари ҳамда "Онажоним, шеърият" тўгараги аъзолари иштирок этди.

— Ҳар бир ўзбек ижодкорининг қаламидан тўкилаётган сўз, ҳар бир жумла Ватан ҳимоячиларининг, тинчлигимиз посбонларининг кучига куч, шижоатига шижоат қўшишига ишонамиз, — деди тадбирни олиб борган шоира Мунаввара Усмонова.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо, Қуролли кучлар фахрийси, шоир Искандар Раҳмон, шоирлар Рустам Мусурмон, Фароғат Худойқулова, Зикрилла Неъмат, Ойгул Убайдулла қизи ва ёш ижодкорлар аскарларга бағишланган шеърларини ўқидилар.

**М.РАМАЗОНОВА**

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам "Она Ватан ҳимояси – муқаддас бурч", "Миллий армиямиз – тинч ва осуда ҳаётимиз кафолати" шиори остида Ватан ҳимоячилари куни кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги Офицерлар уйида, Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари учун байрам тадбирлари ташкил этилди. Учрашувларда театр ва кино актёрлари, эстрада хонандалари, элимиз ардоғидаги шоир, ёзувчилар иштирок этди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоирлар Ашурали Боймурод, Ботир Эргашев, Мирзо Карим, Малика Салимова ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини касб байрамлари билан самимий қутлаб, Ватанни, мардликни, жасорат ва садоқатни тараннум этувчи шеърларидан ўқишди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбирлари мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятининг барча шаҳар-туманларида давом этмоқда.

# УСТОЗЛАР АРДОҒИДА

## Болалар бекати

### ҚУЁН

**Сабзи менинг овқатим,**
**Сал камроқ-да тоқатим.**
**Хавф-хатарни сезган он**
**Бўлиб қоламан "қуён".**

**Бувимдан эртак тинглаб,**
**Яхши-ёмонни англаб,**
**Кулгуларим жаранглаб,**
**Ўсмоқдаман шод-қувноқ.**

### ЧУМОЛИ

**Кўп сирларни биламан,**
**Тинмасдан иш қиламан.**
**Дон-дунларни жамлайман,**
**Қишга овқат ғамлайман.**

* * *

**Сап-сариқ гули**
**Қуёшга ёқар.**
**Шунинг учун ҳам**
**У "Кунгабоқар".**

* * *

**Болаликнинг боғида,**
**Мактабим қучоғида,**
**Устозим ардоғида**
**Ўсмоқдаман шод-қувноқ.**

### РАҚАМЛАР

**Бир, икки, уч, ўн олти,**
**Мукофотни ким олди?**

* * *

**Чиройлидир бир,**
**Лек кўйлаги кир.**

* * *

**Шошқалоқ икки**
**Эшитди дакки.**

* * *

**Кўп гапирди уч,**
**Ҳамма гапи пуч.**

* * *

**"Аълочи"дир беш,**
**Қилмайди ҳеч пеш.**



* * *

**Ёрдамчи олти**
**Мукофот олди.**

* * *

**Ранжиган етти**
**Аразлаб кетди.**

**Шаҳзода ИБРОҲИМОВА,**
**Миробод туманидаги**
**213-мактабнинг 7-синф ўқувчиси**

# ОТА-ОНАМНИНГ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЁТГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида давлатимиз суверенитети, юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли даражада таъминлашга қодир миллий армиямиз шаклланди. Унинг салоҳияти тобора мустаҳкамланиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшларимиз учун юксак шон-шараф ишига айланди.

Бухоро давлат университетида "Менинг дўстим – Ватан ҳимоячиси" шиори остида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсади кўзланган ушбу телемулоқотда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бухоролик йигитлар ҳамда Бухорода ҳарбий хизмат ўтаётган Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ёшлари ота-оналари ва дўстлари билан дийдорлашди.

## Муқаддас бурч

Тадбир ошкора, дилкаш, самимий суҳбат тарзида ўтди.

– Армия барча тенгқурларим каби менинг учун ҳам жасорат ва тарбия мактаби вазифасини ўтамоқда, – дейди Тошкентда хизмат қилаётган бухоролик йигит Содиқ Дилмуродов онаси Маҳлиё Луқмонова билан суҳбатда. – Ҳарбий қисмимизда хизматни аъло даражада ўташимиз учун барча шароит яратилган. Сиз ва отамнинг ишончларингизни оқлаётганимдан фахрланаман. Ҳадемай, муддатли ҳарбий хизмат тугайди. Лекин шартнома асосида фаолиятимни давом эттираман.




– Дўстим, сен анча улғайибсан, – дейди унинг дўсти Мирзабек Тошев. – Эгнингдаги ҳарбий кийимни кўриб, очиғи, ҳавасим келди. Насиб этса, жорий йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топшираман.

Мулоқотда Бухорода ҳарбий хизматни ўтаётган Мирзаакбар Муҳаммаджонов, Аҳрорбек Сотимбоев, Ғайратулла Қудратов ва бошқалар ҳам яқинлари билан мулоқотда бўлди, армия улар ҳаётида муҳим из қолдирганини таъкидлади.

Маросимда Бухородаги ҳарбий қисмларда конституцион бурчини ўтаётган йигитларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан бадиий китоблар совға қилинди.

Тадбир давомида янграган куй-қўшиқлар даврага байрамона шукуҳ бағишлади.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

Тузатиш: Газетанинг ўтган сонида (5-январь, №2) босилган "Келажакка қатъий ишонч" сарлавҳали суҳбатдаги "Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Завқий" "Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий" деб ўқилсин.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86* *Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.15

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5316. Буюртма Г — 182. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.*
*Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223.* 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X